БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 17 февраль Шанба
№ 34 (13. 470).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

18 февраль—Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига ва маҳаллий Советларга сайловлар куни

ҲАММА — САЙЛОВГА!

Жумҳуриятимиз келажаги, халқимиз фаровонлиги учун кураша оладиган номзодларга овоз берайлик!

«ХАЛҚИМНИНГ ЮКИ — ОҒИР ЮК»

У ҳеч қачон бобомиз Алишер Навоий ватанига қўлида қурол билан бораман деб ўйламаган. У йиғламаган, лекин бўзлади. Шеърият мулкининг султони босган муқаддас тупроққа зирҳли, залворли даҳшат билан кириб борганда ўзини тутиб тура олмади. Оғир бир дард тоғдек бўлиб елкасидан эзди. Аччиқ алам бўғзини қуйдирди.

Кўҳна Ҳирот кўчалари... Раҳимжон қадамжоларда қуролли аскар бўлиб эмас, олис тарих дардини тинглашдек кезди. Кўнгли вайрон бўлди. Боболар изига тўкилган қон, қирғин-барот дилга ғам солди.

У «афғон» сўзини бир ярим йил яширди. Волидасига, падарига ҳеч қачон ёлғон сўзламаган. Аммо ёлғон ёзди. Тинчман, ташвиш йўқ. Боз устига «афғон»да эмас, Иттифоқдаман деди. Билярди: ўн бир фарзандни тарбиялаётган онанинг дили хаста. Улуғ Ватан уруши ногирони дадасининг кўнгли яримта. Уруш нималигини ҳаммадан ҳам яхши билади. Ҳис қилади: «афғон»дан ҳар куни жўнатилаётган темир тобутлар оналар дилига ханжар, умрига завол бўлмоқда.

Қуролдошлари туғишганларидан нома олганда, соғинч сўзларини ўқишганда Раҳимжоннинг юраги эзилди. Қалбдаги оғриқдан тошлар эриди. Аммо у чидади. Ўзини шунга мажбур қилди. Унда тоғдек ирода бор эди.

Азоб ва укубатларга, соғинчга тўла ҳарбий хизмат. У уйидан жавоб олмади. Балки шундай қилгани тўғри бўлди. Қондошларининг «афғон»даги тақдири ҳақида қайғуришларини истамади. Иттифоқо кутилмаган ҳол бўлди. Нима денг, хизматнинг бир йили ўтганда Ҳиротга оиланинг иккинчи вакили — Раҳмонжон келди. Йўқ, акасининг ҳолидан хабар олгани эмас. У ҳам қўлида қурол билан хизмат қилишга...

Раҳимжон ўзга юртдаги учрашувдан жуда-жуда ҳаяжонланди. Аммо қўллари мушт бўлиб тугилди. Иссиқ ўриндиқда тин олиб, фарзандларига гард юқтирмай асраётган амалдорларнинг қилмишидан, уларнинг ночор бир оиладан икки фарзандни, яна боқувчиси ногирон бўлган оиладан ўғлонларни ажал домига юборганларидан ғазабланди. Адолат йўқ эди. Ҳақиқат бошини эккан эди.

Хайриятки, Раҳимжон ҳам, Раҳмонжон ҳам «афғон»дан омон келдилар. Аммо улар олис ўлкадаги машаққатлар, орзулари армонга айланган, бир оғиз сўзини айтмоқ азобга айланган дўстлари билан видолашиб, қалбда оғриқ билан қайтишди. Раҳимжон яна бир нарсага аҳд қилди: фарзандини йўқотган оилага ўғлон бўлишни, ёрдамга муҳтожларга камарбасталикни кўнглига тугди.

Андижон зонал комсомол мактабининг методисти Раҳимжон Усмонов Андижон Давлат педагогика институтининг физика-математика факультетини 1982 йилда тамомлагач, шаҳардаги 6-ўрта мактабда муаллимлик қилди. Ҳарбий хизматдан қайтгач, ҳунар-техника билим юртида комсомолнинг етакчиси бўлиб, кейин Андижон шаҳар комсомол қўмитасида ишлади. Шаҳар байналмилалчи жангчилар кенгашининг раиси бўлгач, унинг юмушлари янада кўпайди.

Юрак-бағри қон бўлган онанинг кўз-ёшлари. Фарзанди дунёдан кўз юмган волидининг нолаларини тинглашдан оғир нарса йўқ. Раҳимжон Мукаррамхон ая хонадонида бўлди-ю, лол бўлиб қолди. Хонадондаги ҳар бир буюм, жиҳоз Баҳромжонни эслатаверади. Мирзақобил ака ёлғиз ўғил ўлими аламини кўтара олмади. Тинч замонда фарзандидан айрилиш ёмон экан. Унинг жасадини ўғли билан ёнма-ён қўйишди.

Эҳ, бевафо дунё! Баҳромжон тоғни урса талқон қилгудек, алп келбатли ўғлон эди. Бир куни онасига ёрилди:


— Розиман. Не десангиз майлингиз, — деди у. Она юраги севинчдан ҳаприқиб кетди. Қайси бир зот борки, фарзанди тўйини кўришни истамайди. Бошини қовуштиришни ўйламайди.

Тўй бўлди. Шаҳардаги байналмилал-жангчилар тўйбошилик қилишди. Бир оёғи йўқ йигитлар ҳам давра айланди. Ногиронлар ёр-ёр айтишди. Афсус, надоматлар бўлсинки, тўй қувончи узоққа бормади. Келинининг ҳомиласи уч ойлик бўлганда йигит васият қилди:

— Онажон, дадажон ўксинманглар. Мени йўқотганларингдан азоб чекманг. Ҳар қалай ортимдан қолувчи бор.

(Давоми 2-бетда).

* * *



СУРАТДА: Раҳимжон Усмонов.

Суратчи: А. МИРЗАЖОН.

ЁШЛАРГА ИШОНИНГ

Мен бу йигит билан бор-йўғи икки йил аввал танишган бўлсам ҳам эски қадрдондекмиз. Ўша кунлари бошланғич комсомол ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик қизғин кетаётган эди. Трактор ремонти заводи комсомол қўмитасининг котиби Олег билан бўлажак йиғилиш ҳақида гаплашиб ўтирган эдик. Узун бўйли, истараси иссиқ бир йигит кириб келди ва мен билан саломлашгач, Олегга шу кунларда қилиниши керак бўлган ишлар тўғрисида куйиниб гапира кетди. Етакчи уни жиддий эшитди ва ўйлаб кўришга ваъда берди. У чиқиб кетгач: «Қўмитамиз аъзоси. Ўзи бир сўзли йигит, лекин доим мен билан олишгани олишган. Айтганини қилдирмагунча қўймайди», — деди. Шу-шу бўлди-ю, бу йигитнинг куйинчаклигини, бир сўзлилигини, тўғри гапни тикка юзга айтишини ёки самимийлигини хотирамда муҳрланиб қолди.

Ўша йили завод комсомолларининг ҳисобот-сайлов йиғилиши қатнашчилари бир овоздан шу йигитни, иккинчи цехдан темир йўнувчи бўлиб ишловчи Зуҳриддин Лутфуллаевни бошланғич комсомол ташкилотининг етакчиси қилиб сайладилар.

У жуда тез ишга берилиб кетди. Комсомолнинг мавқеини тиклаш йўлида ишдан бўш пайтларида спорт мусобақалари, қизиқарли конкурслар, кечалар уюштириб, ёшларни жипслаштирди. Комсомол-ёшлар фикрига қулоқ солиш, уларнинг муаммоларини маъмурият олдига қўйишдан чарчамади. Ёш ишчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда собит турди. Шаҳар комсомол ташкилотининг йиғинларида фаол қатнашиб, комсомолларни амалий иш билан шуғулланишга чақирди.

— Иш фаолиятимиздан қоғозбозлик, расмиятчиликка барҳам бермас, юқори комсомол органларига хилма-хил ҳисоботлар бериш тартибини ва комсомол-ёшлар маблағларидан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланишдаги чекловларни қайта кўриб чиқмас эканмиз, ёшларнинг комсомолга муносабати ўзгармайди, — дейди у куйиниб.

Яқинда шаҳар комсомол қўмитасининг пленумида ёшлар бир овоздан Зуҳриддинни Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатишди. Ишчи оиласида туғилиб-ўсган бу йигит сайловолди ҳаракат дастурида жумҳурият Олий Совети томонидан қабул қилинадиган барча қонунларга ишчи кўзи билан қараши асосий мақсад деб ёзган.

Бугунги кунда ҳамма ўз муаммолари устида бош қотиришни давр талаби экан, [illegible] ёшлар муаммоларини ҳал қилишда [illegible]

Раҳматжон РОЗИҚОВ,
Марғилон шаҳар комсомол қўмитасининг иккинчи котиби.

ҲАММА НАРСА ТАЙЁР

Жумҳуриятимизнинг барча ерларида ўзгача фаоллик, тараддуд. Ахир эртага Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови куни. Ана шу сиёсий кампанияга 17-сайлов участкасининг маркази бўлган Қарши Давлат педагогика институтига жойлашган агитпункт ҳам ҳар жиҳатдан пухта тараддуд кўрди. Мазкур сайлов участкасида сайлов учун зарур бўлган ишлар пишиқ-пухта амалга оширилди. Кўзга кўринарли жойларда сайловчиларнинг рўйхати осиб қўйилган. Турли зарур адабиётлар мавжуд.

Агитпункт тарғиботчилари сайловчилар ўртасида катта тушунтириш ишларини олиб бордилар. Айниқса бунда математика факультетининг тўртинчи курс ташвиқотчи студентлари Н. Қобилов, П. Комиловлар алоҳида фаоллик кўрсатишди. Улар Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод Қарши шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби Қаюм Ҳаққуловни, вилоят Совети депутатлигига номзод Қарши Давлат педагогика институти ректори Нортош Ўлжабоевани ҳамда шаҳар Совети депутатлигига номзод ҳисоблаш техникаси кафедрасининг доценти Самад Шоқуловларни сайловчиларга ҳар жиҳатдан тарғиб қилдилар.

Мазкур сайлов участкасида зарур бўлган барча ишлар кўнгилдагидек амалга оширилган. Бунда кўпсонли агитатор ва тарғиботчиларнинг, ўқитувчи ва талабаларнинг хизмати катта. Улар мезбонлар сингари меҳмонларни — сайловчиларни кутишмоқда.

Б. ЧОРИЕВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

14 февраль куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг навбатдаги мажлиси бўлди. 1990 йилда Ўзбекистон Компартиясида ҳисобот ва сайлов ўтказиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Бюро Ўзбекистон Компартияси область комитетларининг съездолди ҳисобот-сайлов кампаниясини қуйидаги муддатларда: партия комитетлари ва партия бюролари бўлган цех ва бошланғич партия ташкилотларида йиғилишларни 10 мартдан 15 апрелгача ўтказиш тўғрисидаги таклифларини маъқуллади. Партия группаларида, шунингдек камида 15 нафар КПСС аъзоси бўлган ҳамда ҳисобот ва сайлов йиғилишлари 1989 йилда ўтказилган цех ва бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларини ана шу муддатларда ўтказиш қанчалик мақсадга мувофиқ эканлигини шаҳар ва район партия комитетларига бошланғич партия ташкилотлари билан биргаликда аниқлаш вазифаси топширилди. Шаҳар, район партия конференцияларини апрель—май ойларида, область партия конференцияларини май ойида ўтказишга қарор қилинди.

Муҳокама чоғида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларида партия ташкилотлари, сайлаб қўйиладиган партия органлари ва коммунистларнинг қайта қуришнинг ҳозирги ғоят мураккаб босқичида тутган ўрни ва роли тўғрисидаги принципиал масалалар кўриб чиқилиши кераклиги таъкидланди. Регионда вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий вазиятни ҳисобга олиб, умуман сайлаб қўйилган орган, шунингдек унинг ҳар бир аъзоси фаолиятига принципиал баҳо берилиши лозим. Ҳар бир партия аъзосининг эркин хоҳиш-иродасини таъминлаб, демократик воситалар орқали сайлаб қўйиладиган янги партия органларини тузиш ва партия конференцияларига, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездига ҳамда КПСС-нинг XXVIII съездига делегатлар составини белгилаш, партия кучларини қайта гуруҳлаш, етилган кадрлар масалаларини ҳал этиш керак бўлади.

Йиғилишлар ва конференцияларда КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури, КПСС Устави, Ўзбекистон Компартияси сиёсий ҳаракат программасининг лойиҳалари, шунингдек партия ташкилотларининг ана шундан келиб чиқадиган вазифалари кенг муҳокама қилинади.

Марказий Комитет бюроси Марказий Комитетнинг аъзолари ва аъзоликка номзодларига, Ўзбекистон Компартияси тафтиш комиссияси аъзоларига ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларини тайёрлашда зарур ёрдам бериш ҳамда уларнинг ишида фаол қатнашишни тавсия этди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси Самарқанд область партия комитетининг собиқ биринчи секретари ўртоқ Н. Р. Ражабовнинг уни КПСС сафидан чиқариш тўғрисидаги қарорни қайта кўриб чиқиш ҳақидаги аризасини муҳокама қилди. 1988 йилда партия турмуши нормаларини бузган, хизмат мавқеини суиистеъмол қилган ва порахўрлик билан шуғулланган, деб унга қўйилган айблар бекор қилинганлиги муносабати билан бюро ўртоқ Н. Р. Ражабовга нисбатан илгари қабул қилинган қарорларни асоссиз деб бекор қилди. Ўртоқ Н. Р. Ражабовни КПСС сафига ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети составига қайта тиклаш тўғрисидаги масалани Марказий Комитетнинг навбатдаги пленуми муҳокамасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Марказий Комитет бюроси ўртоқ Н. Р. Ражабовни Ўзбекистон ССР Қурилиш ишлари давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари лавозимига тавсия этди.

Бюро мажлисида республика ижтимоий-сиёсий турмушига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

СЕССИЯ: МУЛК ҲАҚИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

МОСКВА, 15 февраль. (ТАСС). Парламентимиз учинчи сессиясининг навбатдаги мажлиси бугун эрталаб СССРда мулкчилик тўғрисидаги Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш билан бошланди. Мажлисга А. И. Лукьянов раислик қилди.

Сўнгги кеча-кундуз мобайнида СССР Олий Советига коллективлар ва айрим гражданлардан келган телеграммалар аввалги мажлисда депутатлар сессия ишини асосий, жуда катта аҳамиятга эга бўлган қонун лойиҳаларидан бошлаш кераклигини талаб қилганликлари улар бошқаларга нисбатан ҳақиқатга яқинлашганликларини тасдиқлади.

Мулкчилик тўғрисидаги Қонун лойиҳаси юзасидан доклад қилган СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Л. И. Абалкин комитетлар ва комиссияларда қонун лойиҳасини ўтказиш тарихини, унинг умумхалқ муҳокамаси натижаларини эслатди.

Мамлакатимиздаги сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, деди у, депутатлар мулк тўғрисидаги Қонунни қандай қабул қилишларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Докладчи ҳатто шундай фикрни ҳам айтди: совет ҳокимияти ташкил топганидан бери ўтган 72 йил ичида бу даражада чуқур ва туб ўзгаришлар бўлмаган эди. Қонун лойиҳасининг моҳияти шундаки, у мулкчиликнинг турли-туман шакллари тўғрисидаги принципиал қоидага асосланган.

Шундан кейин депутатлар СССР Олий Советининг қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети раисининг ўринбосари Ю. Х. Калмиковнинг ахборотини тингладилар. У Қонун лойиҳаси комитетлар ва комиссияларда муҳокама қилинганлигини ҳисобга олиб, уни таърифлаб берди. Ю. Х. Калмиков СССР Олий Совети биринчи муҳокамада маъқуллаган лойиҳа Қонунга асос қилиб олинганини қайд этди. Айни вақтда депутатлар Қонун лойиҳасининг учта бошқа муқобил вариантлари билан, шунингдек, «муаллифлик лойиҳалари» деб аталган 30 та лойиҳа билан ҳам муфассал танишдилар, уларнинг барчасида таклиф этилган оқилона фикрлардан фойдаландилар. Меҳнаткашлардан қонун чиқарувчилар номига узлуксиз келиб турган таклифлар ҳам табиийки, эътиборга олинди.

Шундан сўнг СССР Олий Советининг иқтисодий ислоҳот масалалари комитети номидан сўзга чиққан А. Н. Бойко Қонун лойиҳасининг концепцияси, тузилишига тўхталди. Унинг қабул қилиниши муҳимлигини таъкидлади.

Л. И. Абалкин депутатларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Сессия кун тартибига ҳозирча 21 та долзарб масала киритилган. Лекин бу кун тартибига яна бошқа масалалар киритилмайди, деган маънони билдирмайди. Сессия чоғида қўшимчалар ва аниқликлар киритилиши мумкин.

ДАРДИМИЗ МУШТАРАК

Владимир Жонибеков мухбирлар билан бир суҳбатда ўзбеклардан ҳали-ҳануз фазогир чиқмаганлигига афсусланиб шундай деган эди: «Энди бунинг сабабини қидирайлик. Сабаби саломатликда. Ўзбекистонда вирусли гепатит тарқалиб кетгани, ўткир ичак-меъда касалликлари ҳуружи авжида эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Устига устак далаларимиз, хонадонларимиз антисанитария ҳолатида... Турли-туман «дори-дармон»ларни қабул қилган ер ҳам ўзининг табиий ҳолатини йўқотди...»

Космонавт ҳамюртимиз бу гапларни айтганига ҳам бир мунча вақт бўлди. Ерга заҳар сочиш таъқиқлаб қўйилди. Аммо турғунлик йилларининг бу борадаги асоратлари ҳали тугагани йўқ. Вирусли гепатит билан оғриш ҳозир ҳам энг ташвишли масала бўлиб турибди.

Жонибеков фазога беш бор кўтарилган. Унинг сўнгги сафаридан бери яна қанчадан-қанча космик кемаларимиз ер атрофини айланиб учишди. Космонавтлар эндиликда гўзал заминимизни томоша қилиш, унинг бетакрор жамолига маҳлиё бўлиш билан бирга жинояткорона ҳатти-ҳаракатларимиз оқибатида юз берган экологик фалокатларни ҳам кўрмоқдалар. Космонавтика атроф-муҳитни табиий ҳолда сақлаш масалалари билан активроқ шуғуллана бошлади.

— Бизнинг Ю. Гагарин номидаги космонавтлар тайёрлаш марказимизда космик программалар билан бирга халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларига доир илмий кузатишларга ҳам катта эътибор берилади, — дейди Владимир Алексеевич. — Фазогирлар айниқса экология билан жиддий шуғулланмоқдалар. Улар тайёрлаётган ахборотлар орқали турли офат ва талофатларнинг олдини олиш мумкин.

Жонибековнинг ҳаёти ва фазогирлик фаолияти Ўзбекистон билан чамбарчас боғлиқ. У ўн биринчи чақириқ жумҳурият Олий Советининг депутати сифатида жумҳуриятимиз ҳаётида актив иштирок этиб келмоқда. Сайловчилар машҳур фазогирга яна ишонч билдириб 17-Куйбишев сайлов округидан унинг номзодини Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига кўрсатдилар.

Яқинда А. С. Пушкин номидаги Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида, Тошкент шаҳар Куйбишев ноҳиясидаги 99-мактабда ва 2-шаҳар клиник касалхонасида сайловчиларнинг В. А. Жонибеков билан учрашувлари бўлиб ўтди. Номзоднинг ҳаракат дастурида ёш авлод тарбияси, ҳунар-техника таълими системасини такомиллаштириш, ёшларнинг илмий-техника ижодкорлиги билан фаол шуғулланишларига шароит яратиб бериш каби яхши ниятлар бор.

— Сайлов натижаларидан қатъи назар, ўз халқимга хизмат қилишни олий бурчим деб биламан, — дейди В. Жонибеков.

Ойдин НАЗИРОВА.



Сирдарё вилояти қуриқ Янгиер ноҳиясидаги Охунбобоев номли совхозда жойлашган 18-Йўлдошобод сайлов участкасида Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советларга сайловга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Хўжалик касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Турғун Усмонов бошчилигидаги тарғиботчилар сайловолди тадбирларини уюштиришда барчага ўрнак бўлишмоқда. Айниқса, Усмон Юсупов номли 24-ўрта мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси участка сайлов комиссиясининг котиби Расул Анорқуловнинг жонкуярлиги туфайли бу ерга келган сайловчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга тўлиқ жавоб олишаяпти.

— Эртага бу ерда 1191 нафар сайловчи ўзларининг граждалик бурчларини адо этадилар, — дейди Р. Анорқулов. — Уларнинг 20 таси биринчи маротаба сайлаш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Маълумки, бу йилги сайловлар бутунлай янгичасига ўтказилаяпти. Шу боис бу ердан кун бўйи одам узилмайди. Муртазо Бозоров, Асад Усмонов, Бибимарям Тошпўлатова сингари тарғиботчиларимиз уларни хушмуомалалик билан кутиб олиб, саволларига батафсил жавоб қайтаришмоқда.

СУРАТДА: участка сайлов комиссияси раиси Т. Усмонов, клуб мудири А. Муллажонов, тарғиботчи Мавжуда Ҳамдамова, Ҳаким Йўлдошев ва комиссия котиби Р. Анорқуловлар.

Суратчи: Е. БОТИРОВ.

ОСОЙИШТА ЯШАШ ВА МЕҲНАТ ҚИЛИШ УЧУН

«Ўз вақтида қабул қилинган ҳужжат» — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Жамоат тартиби ва гражданларнинг хавфсизлигига қарши қаратилган ҳаракатлар учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисидаги фармони ҳақида Андижон трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси 5 минг кишилик коллективининг якдил фикри ана шундай.

— Бирлашмада йигирма миллат вакиллари ёнма-ён меҳнат қилмоқдалар, — дейди бирлашманинг бош директори Г. С. Сидорова. — Меҳнат коллективимиз аъзоларининг 90 фоиздан кўпроғи аёллар бўлиб, уларнинг кўпчилиги кўп болали оналардир. Шу сабабли жамоат тартиби ва хавфсизлик, миллатлараро муносабатлар масалалари бизни ҳавотирга солмай қолмайди. Бизнингча янги фармон кўп жиҳатдан тартиб ўрнатишга, одамларнинг осойишта яшаши ва ишлаши учун шароит яратишга кўмаклашади.

«ХАЛҚИМНИНГ ЮКИ —ОҒИР ЮК»

(Боши 1-бетда).

Ёлғиз ўғил юракларни доғлаб кетди. «Афғон»даги оғир кунлар унинг умрига завол бўлган экан. Она қадди дол бўлди. Ота фарзандига эргашди...

Энди Мукаррам аянинг билағида мадор йўқ. Шароити оғир. Тўғри, йигитнинг дадаси марҳум Мирзақобил акани Андижон пиво заводига бириктириб қўйишди, лекин моддий ёрдам ҳақида ўйлайдиган мард бўлмаяпти. Раҳимжон дилпора она билан бош урмаган жойи қолмади. Аммо фойда йўқ. На ҳарбий комиссариатдагилар, на ўзга мутасаддилар ён беришмади. Жавоблари биргина: — йигит Афғонистонда ўлмаган. Ҳарбий госпиталда даволанмаган. Кўз олдингизда юз бераётган расмийчиликни кўриб вужудингизга титроқ киради. Ахир Баҳромжон ким учун жанг қилди? Кимнинг ташвишида азоб чекди? Ёш умрини хазон қилди?

Байналмилалчи-жангчи Абдумухтор Ғофуровнинг тақдири-чи? «Афғон»дан қайтгач орадан 15 кун ўтиб вафот қилди. Эҳ, яна ўша расмиятчилик. Ўша қолипдаги гаплар. Беъмани, мақсадсиз уруш туфайли ўз юртида ҳалок бўлганлар оиласига имтиёз бир ёқда турсин, уларнинг номини абадийлаштириб бўлмаса. Шаҳид кетганлар рўйхатига тиркалмаса. Бундай ҳақсизлик кимнинг дилига оташ солмайди. Раҳимжон ака шу адолатни тикламоқчи бўлади-ю, елиб-югуравераяди. Остоналарга бош уравераяди. Зора тошбағир кишилардан ёруғлик чиқса, дейди.

Ёқуб Аҳмедов ўз она юртида эмас, «афғон»да жон берди. Совуқ хабар йигитнинг отасини одамови қилиб қўйди. Ишга ярамай қолди. Оила ночор. Етти фарзанд бор. Чуғурчиқдай чирқираб туришади. Биргина онасининг фаррошликдан топган арзимас маоши қайхотдай оила учун ҳеч нарса бўлмайди. Боқувчисини йўқотган оила сифатида уларга нафақа ҳам ажратилмайди. Ахир онахон ҳали пенсия ёшига етмаган. Нима қилиш керак? Раҳимжоннинг ҳақиқат олдидаги ҳақсизликдан бағри қуйди. Аммо чорасини топди. Комсомол қўмитасидагилар билан маслаҳатлашиб, марҳум жангчини вилоят комсомол қўмитаси қошидаги ёшлар бирлашмасига фахрий ишчи қилиб бириктиришди.

Моддий манфаатдорлик ўз йўлига. Раҳимжон кенгаш аъзолари билан маслаҳатлашиб, савобли ишни бошлади. Ҳисоблаб кўришса, шаҳарда оддийгина юмушни бажаришга ҳам қурби етмайдиган байналмилалчилар оиласи талайгина экан. Собиқ «афғончи»лар ҳашарини уюштирди. Абдувосит Ҳайитохуновнинг битмаган уйини сувоқдан чиқаришди. Томига лой босишди. Ёлғиз ўғлини «афғон»га жўнатиб қаровчисиз қолган Нина Егорованинг турар-жойини таъмирлашди. Эҳа, бундай рўйхатни давом эттираверишмумкин. Ҳар қалай қирғин-баротдан соғ келганлар билак кучлари билан бўлса ҳам марҳум дўстлари руҳи олдидаги бурчини бажаришяпти. Бугина эмас, туғилган кунларда сукунат чўккан хонадонларда бўлиб, марҳумларни ёд айлашмоқда.

Раҳимжон Усмонов етакчилигида жон куйдираётган йигитларнинг ҳиммати, ташаббуслари шунчаки ҳаракат эмас. Ўлим билан юзма-юз турган, оч-наҳорликда бир бурда нонни тенг баҳам кўрган жангчиларнинг бир-бирларига оқибати. Андижон шаҳрида 746 нафар байналмилалчи-жангчи бор. Шулардан 26 нафари ногирон. 21 нафар мардга эса она-Ватанга қайтиш насиб қилмади. Байналмилалчиларнинг ташвиши Раҳимжоннинг ташвиши. Ахир унинг юрагидаги дарди шу.

Андижон шаҳрида барча юртлардаги каби квартира масаласи муаммо. Собиқ «афғон»чиларга турар-жой берилмайди эмас, берилади. Ҳар йили ўндан зиёд уй ажратилади. Аммо мажруҳ, ишга ярамайдиган ёшлар бошпанага зор. Улар ижарама-ижара юриб, ўзгалар кўзига боқиб яшамоқда.

Агар режалаштирилгандек уй бериладиган бўлса, айрим «афғончи»ларнинг фарзандларига гал келганда бошпана тегиши мумкин. Раҳимжон кенгаш аъзолари билан тўпланиб, шаҳар ижроия қўмитаси раиси Мухторжон Рустамов олдига киришди.

— Шаҳримизда номига уй олиб, аслида ўзлари яшамайдиган жойлар кўп, — дейишди улар.

Раис рози бўлди.

— Майли, — таъкидлади у. — Агар сизлар айтгандек уйлар бўлса, аниқланглар. Ёрдам қўлимизни чўзамиз.

Ўтган йилнинг сентябрь-октябрь ойларида 21 та эгасиз уй топилди. Балким бундай десак тўғри келмас, уларнинг эгалари бор эди-ю, аммо эҳтиёждан ортиқча эди. Айрим хонадонларда 10-15 йилдан буён биров турмас экан. Байналмилалчилар «қўлга тушганлар»ни судга беришди. Аммо улар навбатдаги тўсиққа дуч келдилар. Сув, чироқ пулини, солиқни тўлаб турилгандан кейин уйни тортиб олишга суд ҳам ожизлик қиларкан. Энди уни ҳал этиш мутасаддиларга боғлиқ.

«Бола йиғламаса, она кўкрак тутмайди». Раҳимжон Усмонов ана шу ҳикматли сўзни кўп такрорлайди. Ахир расмиятчилик қобиғига ўралиб қолган мутасаддилар озмунчами? Ҳозир байналмилалчи-жангчилар шаҳар кенгаши ҳисобида 53 минг сўм маблағ бор. Аммо бу пул уларнинг мўлжалидан оз. Шу боис хайрия шанбаликлари, тадбирлар ўтказишни кўзда тутишмоқда. Жамғарилган маблағга шаҳар марказида марҳум байналмилалчи-жангчиларга ёдгорлик ўрнатишмоқчи, ҳиёбон ташкил этадилар, кўмакка муҳтожларга ёрдам қўлини чўзадилар.

Раҳимжон Усмонов яқинда Андижон шаҳридаги 125-Киров сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

— Депутатлик ҳавас эмас, — дейди у куйиниб, — ахир халқнинг юки оғир юк. Уддалашга кўзи етган кишигина уни елкасига олиши лозим.

Мен Раҳимжоннинг ҳаракат дастури билан обдон танишиб чиқдим. Улар сайловчини қўллаб-қувватлаши учун ўйланган ҳавойи, баландпарвоз режалар эмас. Элнинг юрагидаги дардлар, ташвишлар. Тиришқоқ, бир сўзли йигитга ишонч билдирилса, умидлар рўёбга чиқиши шубҳасиз.

Фозилжон ШОДМОН,
«Ёш ленинчи» мухбири.
Н. АШУРОВ.

«НОМЗОДИМНИ КИРИТАМАН»

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш пайтида шаҳарда дув-дув гап тарқалди. Нима дейсиз, ижроқўм раиси Бахтиёр Қадамбоевич Нурметов 452-Хива сайлов округидан ўз номзодини киритишни таклиф қилибди. Шу сайлов округидан уч нафар кишининг номзоди жумҳурият халқ депутатлигига кўрсатилди. Булар гилам ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори И. Аҳмедов, шаҳардаги 20-болалар уйи директори В. Б. Пак ва биз Сизга ҳикоя қилаётган Нурметовлардир.

— Сайловда ростмана рақобатни топширгандан ажабланаётганингиз йўқми?

Шу савол билан Вера Борисовна ва Илҳом Аҳмедовичга мурожаат қилдик.

— Йўқ, аксинча. Ҳақиқий демократия худди ана шундада! — дейишди улар.

...Ноҳия партия қўмитаси илгари ноҳия қўмитаси саноат, қурилиш, транспорт бўлимининг мудири бўлиб ишлаб келган Б. Қ. Нурметовнинг бундан уч йил муқаддам шаҳар ижроқўми раислигига [illegible] Ташаббускор раҳбар қисқа фурсат ичида жаҳон нигоҳидаги шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга сезиларли ҳисса қўша бошлади. Тарихий ва маданий ёдгорликларни таъмирлаш, сайёҳларга намунали хизмат кўрсатиш, шаҳарни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалалари сессияларда муҳокама қилиниб, қабул қилинган қарорлар амалга оша бошлади. Айниқса, қадимий қалъанинг қум барханлари бағрида бунёд этилган Қосимобод замонавий йўлдош шаҳарчаси ҳозир бошқача манзара кашф этган. Кенг ва равон кўчалар, маданий-маиший муассасалар, турар-жой бинолари шаҳарга кўркига-кўрк бағишлаб турибди.

— Буларнинг барчаси Иттифоқ ва жумҳуриятимиз партия-ҳукумати ғамхўрлиги ва моддий ёрдами туфайли рўёбга чиқмоқда, — дейди ижроқўм раиси. — Тўғри, шаҳарда ечимини кутаётган муаммолар ҳали анчагина. Жумладан, болалар боғчаси, деҳқонлар бозори, ёзги кинотеатр, ҳаммом сингари аҳолининг кундалик эҳтиёжига зарур масканларни барпо қилиш зарур. Яқинда СССР халқ депутати, вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби Р. М. Худойбергановнинг ташаббуси билан шаҳарчада ана шундай қурилиш ишларини амалга ошириш учун қўшимча давлат маблағлари ажратилди. Шу боис аҳоли ўзлари кўтариб чиққан масалалар рўёбга чиқаётганидан мамнун бўлишмоқда.

— Халқ депутатлигига ўз номзодингизни таклиф қилаётганингизда чўчимадингизми?

— Бошқа бироз иккиландим. Чунки бизда ҳали ҳам андишага бориш, «қандай бўлар экан», дейишлар бор. Лекин мен Хивадек оламга донги кетган тарихий шаҳримизнинг ва унинг тақдирини, одамларини яхши билганим учун шундай қарорга келдим. Эндиликда сукут сақлаб ўтирмасдан курашиш пайти келди. Майли, мени сайлашмасин, буни сайловчилар ҳал қилади.

— Сайловолди ҳаракатномангизнинг асосий мақсади нимага қаратилган?

— Асосан шаҳар муаммоларига. Чунки шаҳримиз Иттифоқдаги иккинчи музей-қўриқхона ҳисобланади. Ҳар йили мамлакатимизнинг, дунёнинг турли бурчакларидан юзлаб, минглаб сайёҳлар бу ерга ташриф буюришади. Экологик вазият мураккаблашаётган пайтда қадимий архитектура ёдгорликларини емирилишдан асраб қолиш керак. Туркман канали муаммосини ҳам ҳал қилиш лозим. Чунки унинг сувлари қўриқхона-қалъамиз атрофида тузатиб бўлмас даражада таҳдид солмоқда. Бу хатоликни келгуси авлод ҳеч қачон кечирмайди.

Депутатликка номим сайланадими? Ижроқўм раиси Бахтиёр Нурметов айтганидек, бунинг фақат сайловчиларнинг ўзлари ҳал қилишади. Бу синовга ҳам фурсат етди.

Ш. МАШАРИПОВ,
Хива шаҳри.



АНДИЖОН ВИЛОЯТИ. Техника — деҳқон қаноти. Буни миришкор деҳқонлар яхши билишади. Шундан ҳам Марҳамат ноҳиясидаги «Комсомол 60 йиллиги» давлат хўжалигида қишлоқ хўжалик техникасини баҳорги экиш-тикишга тахт қилиб қўйишга ўтган йилгидан анча аввал киришилганлиги ўз самарасини берди.

Техникани баҳорга шайлашда хўжаликдаги етакчи механизаторлардан бири Масиддиқ Хоминовнинг ҳам муносиб улуши бор. У ана шу хўжаликда туғилиб-ўсган ва техникани пухта эгаллаган. Давлат хўжалиги коммунистлари уни ўз сафларига қабул қилишган. Ўзига топширилган ҳар бир ишни сидқидилдан адо этишга, ёшларга касб-кор сирларини ўргатишга одатланган. Давлат хўжалиги жамоаси М. Хоминовнинг номзодини халқ депутатлари вилоят Советига кўрсатишган. Сайловчилар эртага унинг учун овоз беришади.

СУРАТДА: М. Хоминов.
Р. АШУРОВ олган сурат.

(ЎзТАГ).

ҚУЙИДАН ЮҚОРИГА...

Бугунги ошкоралик даврига келиб, озми-кўпми кўзимиз очилиб, депутат халқдан юқори турадиган, алоҳида имтиёзга эга бўлган шахс эмас, балки, унинг хизматкори бўлиши кераклигини англаб ета бошладик. Бугун азиз муштарийларимизга қатор сунъий ва табиий тўсиқларни енгиб ўтиб, Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов ноҳиясидаги 68-сайлов округининг, 373-сайлов участкасидан ноҳия Совети депутатлигига номзоди кўрсатилиб, рўйхатга олинган Даврон Аҳмад ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Даврон Аҳмад билан анчадан бери танишмиз. У Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги химия-физика ва полемирлар институтида катта инженер бўлиб ишлаш билан биргаликда ,мухбирлик ҳам қилади. «Ёш Ленинчи», «Совет Ўзбекистони», «Тошкент оқшоми» каби рўзномаларнинг жамоатчи мухбири сифатида доимий чиқишлар қилиб туради. Баъзи хонада ўтирадиган махсус мухбиримизга нисбатан долзарброқ, таъбир жоиз бўлса айтиш мумкин-ки, қалтисроқ масалалар билан шуғулланиб юради. Бунга унинг «Тошкент оқшоми» рўзномасининг яқиндаги сонларидан бирида эълон қилинган Кайковус ариғининг тарихи, бугуни, эртаси ҳақида куюниб ёзган мақоласи, ҳарбийда ҳалок бўлган йигитлар ҳақидаги «Жабрдийдалар»и («Ёш ленинчи»да) мисол бўла олади. Унинг сайловолди дастурида ҳам ИНСОН ОМИЛИга бўлган эътибор биринчи режада.

«— Мана шу биз яшаб турган Эски Тошкент қадимда улкан шаҳримизнинг маркази бўлган. Бугунга келиб эса, «очиқ музей»га айлантирилди. Ана шу «очиқ музей»нинг жонли экспонатлари бўлмиш туб тошкентликлар бундан етмиш йил олдин қандай яшашган бўлса, ҳамон шундай яшаб келишмоқда. Эски шаҳардаги «ахлат тоғлари» ҳақида сўзланган нутқлар, ёзилган мақолалар тўпланса бир неча томлик катта китоб бўлиши мумкин. Аммо амалда ҳеч қандай силжиш йўқ! Эски шаҳарликларнинг электр энергияси билан таъминланиши ҳам бундан ўттиз-қирқ йил олдин қандай бўлса, шундайлигича қолиб келмоқда. Табиий газ ҳақидаку, гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ! Сут маҳсулотлари билан таъминланиш борасида ҳам Эски шаҳар ўгай! Бунақа моддий- ва маънавий камситишларга чек қўйилмасдан туриб қайта қуриш қилиб бўлмайди!

Учрашувдан қайтишда Даврон акадан сўрадим:

— Юқори Советларга сайланган депутатларимиз ҳаракат қилишмасдан туриб, қуйидаги депутатларимиз бирор амалий ўзгариш қилишга эриша олармикинлар?

— Ахир қайта қуришдан кўзланган мақсад турғунлик йиллари биз кўникиб қолган «юқоридан пастга» деб аталмиш қолипни бузиб, қуйидан юқорига ишлаш, ҳақиқий, инсонпарвар социализмни барпо этиш эмасми. Халқ раҳбарнинг эмас, раҳбар халқнинг фикрига қараб иш кўришига эришсаккина, биз орзу қилаётганимиз, ҳуқуқий давлат тузилиши ва қадри топталган халқимиз қад ростлаши мумкин.

Ислом ҲАМРО.
«Ёш ленинчи» мухбири.

Қоракўллик аёл

Гулсара Йўлдошева бир неча йилдирки Қоракўл ноҳиясидаги М. Горький жамоа хўжалигининг 11-бригадасига етакчилик қилиб келмоқда. Шу элнинг каттаси. Бирон-бир тадбир, тўй-томоша унинг маслаҳатисиз ўтмайди. Элатдошлар ҳурмат юзасидан қилишади буни.

Саҳар туриб, кеч ётиш. Йилнинг ўн икки ойида ҳам пахтанинг иши тугамайди. Ўзбек деҳқонининг манглайига битгани шу экан. Қишки ишларнинг ташвиши бир талай. Эрта-индин далаларнинг шўрини ювиш керак. Баҳор келиб ишлар яна ҳам болалайди. У ёғи 9 ой қора меҳнат. Пахтакорнинг боши теккан жойга оёғи тегмайди. Пахта етиштириш ва яна пахта...

«Қишлоқларда битта ҳам хутор қолмасин» деган шиор чиқди-ю, сўлим ишкомлари, кенг супалари бор уйлар бузиб ташланди. Бизда ўзи хутор бўлганмиди?... Афсуски, сўнгги пайтда расм бўлиб қолган бош планлаштириш асосида қишлоқ ҳаётига хос бўлмаган турна қатор уйлар қурилляпти. Деҳқон бунда кундалик эҳтиёжлари учун зарур бўлган тандир, молхоналар қуриш учун айрим пайтлари жой ҳам топа олмайди.

— Колхозчилар қишин-ёзин жазирама иссиқ-у, қор-ёмғирли, довулли кунларда ҳам очиқ далада ишлайди, — дейди Гулсара опа. — Унинг учун календарнинг бирор-бир кунида дам олиш куни белгиланмаган. Бундай оғир меҳнатнинг ёнига шўрланиш ҳам қўшилди. Қоракўлликлаар экин майдонларидан мўл ҳосил етиштириш учун бошқа ҳудудларникидан кўра кўпроқ меҳнат қиладилар. Шундай экан, пахтакорларимизнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, иш соатларини қисқартириш, меҳнатдан моддий манфаатдорликларини ошириш керак. Пахтакор робот эмаски, мурувватни бураб ишлатаверсанг.

Болалар тарбияси, айниқса, ўткир муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Жумҳуриятимиз қишлоқларида мутахассисларнинг ҳисоб-китоби бўйича 31 фоиз мактаб, 30 фоиз мактабгача тарбия муассасалари етишмайди. Ноҳиямиздаги аҳвол бундан беш баттар. Мактабларда ўқиш икки сменада ташкил қилинган. Кўпгина болалар узоққа қатнаб сабоқ олмоқдалар. Дарслардан ташқари ўтказиладиган тадбирлар учун хоналар етишмайди. Бу камчиликларни тугатиш учун жамоа хўжаликларимизга катта маблағ керак. Ҳамён эса бўш. Умумиттифоқ фондидан ёрдам сўраш керак.

Ўзбекистонда чорвага иккинчи даражали иш деб қарашди деган гаплар бўлаяпти. Мен бунга асло қўшила олмайман. Шароитларимиз билан ҳисоблашмай, бошқа жумҳуриятдан ўрнак олишга ундашди. Чорвадорларимиз ҳаракат ҳам қилишди. Аммо қуруқ пичан билан қорамолларимиз семиз, серсут бўлиб қолишмайди-ку. Улардан олинадиган маҳсулотларни кўпайтириш учун кунжара, чигит пўчоғи, кепак мўл бўлиши керак-ку. Биздачи, тескариси, ўзимиз етиштирган емни устига баҳо қўйиб сотиб оламиз. Сут етиштирамиз-у болаларимизнинг оғзи оқ кўрмайди. Чорва моллари учун кенг экинзорлар, яйловлар яратиш зарур.

Агар сайловчилар Гулсара Йўлдошевани Ўзбекистон халқ депутати қилиб сайлашса у шу муаммоларни ҳал этишда ўз кучини аямайди.

Мирза АБДУЛЛА.
Бухоро вилояти, Қоракўл ноҳияси.

Юртдошларига суянади

Саккизинчи синфда ўқирдик. Ҳарбий комиссариатга чақиришди. Юк машинасида шаҳарга тушдик. Текшир-текширлар тугагунча вақт тушдан оғди. Бир амаллаб Аччиғи қишлоғига келганимизда қош қорайди. Кутамиз, қани энди биз томонга машина юрса. Устига-устак ўша куни қор ҳам ёққан. Пиёда йўлга тушдик. 20 чақирим чамаси масофани босиб ўтгунча она сути оғзимиздан келди. Атроф оппоқ. Бўри увиллайди. Қўрқинчли. Дағ-дағ титраймиз. Боз устига қоронғу. Йўлни топиб бўлмайди. Қишлоққа келганимизда хўрозлар қичқираётган эди. Тонг отибди.

Ота-боболаримиз эса бир қоп ёнғоқни бозорда пуллаш учун ҳафталаб йўл юрганликларини айтадилар. Балким шу туфайлими, ёки болалик тасаввуримикан, биров яна 50 йилдан кейин қишлоғимизга асфальт келади, деса жиннига йўярдик. Ишониб бўлмасди. «Йўлни равон қилдирамиз», «Автобус қатнайдиган бўлади», дейдиган буваларимизнинг кўпи шу армонла кетди. Уларнинг сафдошлари ҳали-ҳануз афсус билан эслашади. Кўмак сўраб ноҳия партия қўмитасига борганларида бинога киритишмаган.

Замон ўзгарди. Ноҳия партия қўмитаси, ижроқўмларга фикри теран, халқпарвар кишилар «ўтиргач» вазият юмшади.

«Ҳаёт — муаллим», — дейдилар. Ўзи тарбиялаб, вояга етказади. Бутун бошли тоғликлар учун илгари фолбинлар айтолмаган ҳол рўй берди. Қишлоқ йўли асфальтланиб, автобус қатнови йўлга қўйилди. Одамларнинг узоғи яқин. Биров бозорда олма, бошқаси картошка сотадиган бўлди. Шаҳар билан қишлоқ бир қадам.

Хўш, буни ким қилди?

Шу юртдан етишиб чиққан фарзанд — Аҳадулла Остонов! Унинг феъли кўпчиликка аён. Бир қоп ёнғоқ. Бағир-шағир. Ишлари ҳам ўзидек. Дилли-ғулли. Чўрткесар. Қайсар ҳам. Кўнгли очиқ. Эътиқоди йўлида курашчан.

— Талабаликни тугатсам, қишлоғимга асфальт йўл қурдираман.

А. Остонов Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институтида ўқиб юрган кезларидаги айтганини қилди. Юк машиналари, от-эшакда, баъзида пиёда шаҳарга тушувчиларнинг жонига оро кирди. Юртдошлари ўртасида ҳурмати ошди.

Биламиз, бу таъриф айримларни таажжублантиради. Эътирозлар бўлади. Ҳамма ишни бир ўзи қилганмикан, деб. Йўқ. Ёлғиз отнинг чанги чиқса ҳам, донғи чиқмайди. Уддабуро, эътиқодли раҳбардан жамият азият чеккан эмас. Етакчининг қобилияти кўп ишга қодир. Шундай бўлгач, бу савоб ишда жамоанинг меҳнати, пешона тери тўкилган, унга А. Остонов бошчилик қилган.

Яна бир гап, Оммоғондан етишиб чиққан турли касбдаги мутахассислар беҳисоб. Аҳадулланинг устунлиги шундаки, киндик қони тўкилган заминнинг фаровонлигига биринчи кўмак берди. Биз эса ҳали элюртдан қарздормиз.

Халқимизда ажойиб нақл бор: «Униб-ўсаман, десанг қишлоғинг, маҳалла, овулингга кўмак бер». Тўғри-да. Аждоди умри кечган манзилга қиё боқмаган фарзанд фарзандми?!

Қашқа воҳасида бўлган сафар чоғида бир хушхабарни эшитиб суюндим. Аҳадуллага ҳавасим келди. Тортишув, баҳс, халқ талабидан сўнг у 197-«Москва» сайлов округидан вилоят Совети депутатлигига номзодликка рўйхатга олинибди. Ўша заҳоти ҳузурига шошилдим. Сайловолди ҳаракат дастури, корхонасидаги ишларга қизиқдим.

Қилинган юмушлар бир талай. Ўтган йил анча унумли якунланди. 897 минг ўрнига 1038,5 минг сўмлик иш бажарилган. Асфальтланган йўл режалаштирилганидан 1,5 километр зиёд. Энгельс номидаги «Партия XXVII съезди», Жўра Элбоев номли жамоа хўжаликларининг ички йўллари яхшиланди.

Корхонада яна бир хайрли ишга қўл урилган. Меҳнаткашлар вилоятдаги хўжаликларни ниҳол билан таъминлаш ниятидалар. Ўрик, шафтолининг 4 мингга яқин ниҳоли харидорларга мунтазир. Асал, гўшт етиштирадиган ёрдамчи хўжалик, зиғир-мой жувозидан жамоа баҳраманд. «Москва» давлат хўжалиги чегарасидаги бир гектарлик боғ кишининг баҳридилини очади. Пирим Саноев, Холбой Норовлар парваришлаётган бу ниҳолларнинг олди мевага кирди. Яроқсиз аҳволга тушиб қолган йўлдан ҳайдовчи, пиёданинг дили ғашланади. Ўйдим-чуқур бўлиб қолган жойларни тузатиш учун ҳар куни турли хизматчиларни юбориш эса самарасиз. Корхонада бунинг йўли топилди. Коллектив ихтиёридаги 135 километрли йўл хизматчиларга бўлиб берилди. Киши бошига 7 километрдан. У энди худди рўзғордагидек, сидқидилдан қарайди.

Аҳадулланинг сайловолди ҳаракат дастурини кўздан кечирамиз. Режалар оддий. Ҳавойи эмас. Амалга оширилиши муқаррар ишлар.

Рўзғор тебратолмай, бир ишнинг этагини тутолмаганлар «Москва» сайлов округида ҳам кўп. Унинг чорасини топиш йўли ҳам йўқ эмас. Ғишт заводи, кичик консерва цехлари тикланса, кифоя. Мева сақлайдиган омборлар, совутгич хоналари очилса, моддий манфаатдорлик ўсади. Хўжаликнинг, деҳқонларнинг иқтисодий қадди ростланади. Меҳнаткашлар қишин-ёзин мева-чевага зориқмайди.

Шўрчи қишлоғидагиларни қийнаб қўядиган бир муаммо бор. Танхознинг ўзани устида кўприк қуриш. Вардон, Шўрҳасан қишлоқлари аҳлининг орзу-умидлари ҳам шу. Дектор, Алмати қишлоғларида водопровод зарур. Оммоғон, Тошбулоқ, Қиёқида сув тансиқ. Ёнларидаги дарёдан бебаҳралар. Тоғ қишлоқларининг ҳаммасида ички йўллар носоз. Янгича тафаккур шамоли инсон қалбида насл-насабини ёд олиш чироғини ёқди. Ўтмиш, тарих олдида қарздор эканлигимизга иқрормиз. У қолдирган тош олтин экан. Юзи очилса, нур беради.

Аҳадулла Остонов ана шу чигалликларнинг ечимини топишни ўз бўйнига олибди. У буни эплайди. Биздан кўмак бўлса, бас. Унга ана ўша куч — мурувват, далда, қувват керак. У эса сизу бизда.

Қурбон АЛИҚУЛ.
Қашқадарё вилояти.

Самандар ҚУҚОНОВ:

«КУРАШИШДАН ЧЎЧИМАСЛИК КЕРАК»

Унинг табиатида шиддат бор. Ғурур, мардлик бор. Сўз бердими, уддасидан чиқмай қўймайди. Энг нуфузли идораларгача боришдан эринмайди, катталар билан «ташлашиш»дан ҳам тоймайди. Яхши билишгани, ишонишгани учун улар Самандар Умарович Қуқоновни 117-Эски Тошкент сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодликка кўрсатишди. Унинг номзодини рўйхатга олиш осон кечмади. У ҳақда майда-чуйда гаплар тарқатишди. Номзодини қайтариб олишини сўрашгача бориб етишди. Баҳс кескинлашганда ҳам у кўнмади.

— Қайта қуриш, ошкоралик ҳар ҳолда сезилмоқда, — дейди С. Қуқонов. — Мен бир нарсага ҳайронман. Айрим номзодлар раҳбар сифатида ўзлари бевосита бажаришлари лозим бўлган ишларни ҳам депутатлик ҳаракат дастурига киритишяпти. Депутат бўлмасдан ҳам бу ишларни бажариш уларнинг бурчику. Менимча ҳозирги депутатлар жумҳурият, мамлакат, ҳатто жаҳон миқёсида фикрлай олишлари лозим. Энг аввало аҳолини иш билан, уй-жой билан таъминлаш, халқимизнинг маънавий ва моддий ночорликдан қутқариш ҳақида қайғуришимиз шарт.

...Қишлоқ ёшларининг муаммоси, пахтакорларнинг турмуши, ташвиши, дардини Самандар ака яхши билади. У асл деҳқоннинг фарзанди.

Тўрт йил муқаддам уни Чинозда жойлашган Тошкент нефть маҳсулотларини тушириш, ортиш ва тақсимлаш корхонасига директорликка тайинлашди. Қурилиш чала қабул қилинган, иш, яшаш, дам олиш шароитлари билан ҳеч ким қизиқмаган эди. Қисқа даврда корхона қуввати оширилди. Вагонларга нефть маҳсулотлари шланг орқали қуюларди. Вақт кўп кетарди, исрофгарчиликка йўл қўйиларди. Шланглар махсус қурилмалар билан алмаштирилди. Ҳозир уларнинг ҳар бири 20 минг сўмдан иқтисодий самара беряпти.

Ҳаммом қурилди, икки қаватли ошхона битиш арафасида. Бўстонлиқ ноҳиясида дам олиш маскани барпо этиляпти. Одамларга уй-жой, ер берилаяпти. Қурилиш материаллари муаммосини ҳал ҳал этиш учун ғишт цехи қуриш мўлжалланяпти. Сибирликларга мева, сабзавот юбориб ўрнига ёғоч олишмоқчи.

Газетамизнинг ўтган йил 9 август сонида «Нега иш ташламоқчи бўлишди?» сарлавҳали мақола босилган эди. Унда Самандар Қуқоновнинг ишбилармонлиги, ташаббускорлиги, кураши, корхонасининг ютуқлари ҳусусида ҳикоя қилинганди. Ўшандан кейин ҳам у яна катта-кичик тўқнашувларни бошидан ўтказибди.

— Бир ишга киришдими, охирига етказмай қўймайди. Унга ишонамиз, — дейишади ҳамкасблари.

— Курашишдан чўчимаслик керак, — дейди унинг ўзи. — Бюрократларга бўш келсак ҳеч нарса ўзгармайди.

Ана шундай бир сўзли, кўнглидагини тап тортмай минбарларда айта оладиган, курашчан кишилар халқ депутатлари бўлмоқлари лозим.

Н. ЖАЛИЛ.

ФУҚАРОЛАР ИШОНЧИ—КАТТА МАСЪУЛИЯТ

(НОМЗОДЛАР ҲАҚИДАГИ ХАТЛАРНИ УҚИБ)

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советларга сайловлар якунловчи паллага кирди. Жумҳуриятимизнинг барча даражадаги кўрсатилган номзодлари ўз сайловчилари билан учрашиб, ҳаракат дастурларини баён қилдилар.

Биз сайловларга тараддуд даврида муштарийларимизни иложи борича номзодлар ва уларнинг ҳаракат дастурлари билан мунтазам таништиришга ҳаракат қилдик. Жумҳуриятимизнинг барча вилоят, шаҳар ва ноҳияларидан жамоатчи мухбирларимиз, фаолларимиз яхши ният билан йўллаган материалларнинг ҳаммасидан ҳам фойдаланиш имкони бўлмади.

Мана, бўлимда сайловга доир мавзуда бир талай хатлар қолди. Улар талаб даражасида ёзилмагани ёки бошқа сабабларга кўра ёритилмай қолгани йўқ. Улар ҳам чоп этилишга тайёрлаб қўйилган эди. Вақт зиқлик қилди. Уларни заҳмат чекиб ёзган ва йўллаган муаллифлари бизни маъзур тутадилар, деган умиддамиз. Қашқадарё вилоятидан журналист **Қ. Бердиев**, филология фанлари номзоди, доцент **Б. Чориев**, Фарғона вилояти Бувайда ноҳия газетаси ходими **М. Собитов**, Риштон ноҳиясидан **В. Тожибоев**, Фрунзе ноҳиясидан **А. Тўхтабоев**, Андижон вилояти Избоскан ноҳиясидан **Б. Мавлонов**, Андижон ноҳиясидан **Н. Расулов**, Сирдарё вилояти Ғаллаорол ноҳиясидан **Г. Шомирзаев**, Наманган шаҳридан **О. Жуманазаров**, Наманган вилояти Чуст ноҳиясидан **Г. Қурбонов**, Каттақўрғон шаҳридан **У. Сирожиддинов**, Бекобод шаҳридан **А. Бобоназаров**, ҚҚАССР Элликқалъа ноҳиясидан **К. Қаландаров**, Тошкентдан **Ҳ. Жалил**, **К. Орипов**, **З. Абдуллаев**, Пскент ноҳиясидан **С. Мирзааҳмедов** ва бошқа ўйлаб ўртоқларга миннатдорчилик билдирамиз.

Ўйлаймизки, эндиликда сайловчилар ўтмишдагидек лоқайд ва бефарқ эмаслар. Улар жумҳуриятимизнинг ижтимоий-иқтисодий гуллабяшнаши, фуқароларимизнинг фаровонлиги, ҳамиша адолат тантана қилиши учун ким собитқадам курашчи эканлигини яхши билишади. Сайловларда ана шундай номзодларни танлаб олишлари турган гап. Фуқаролар ишончи — катта масъулият.

РЕДАКЦИЯ МАФКУРА БУЛИМИ.



Ҳеч нарсага муҳтож эмасмиз. Хом ашё десак, истаганча топилади. Аммо ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар харидорларимизнинг кўнглини тўлдирмаяпти, чет элникига эса ҳамон талаб катта. «Ўзимизники экан» дея фахрланадиган кунлар келармикин?

— Албатта, келади, — дейди дугоналар — Қундузхон Хожиева билан Комила Набиевалар. — Ҳаммаси қунт ва иштиёқ билан ишлашга боғлиқ.

Бу икки дугона Самарқанд шойи тўқиш бирлашмасида меҳнат қилишади. Қундузхон Хожиева бригада бошлиғи, цех комсомол ташкилотининг котибаси, Комила Набиева эса илғорлардан бири.

СУРАТДА: Қ. Хожиева ва К. Набиевалар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ва пишиқлигини кўздан кечираяптилар.

Ғ. АЛИЕВ сурати.

Хорижжан хабарлар

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

БУДАПЕШТ. Мамлакат парламенти Венгрия ижтимоий-сиёсий ҳаётида кўпдан-кўп партиялар пайдо бўлиши муносабати билан расмий равишда рўйхатга олинган сиёсий ташкилотларга 700 миллион форинт ажратишга қарор қилди. Бугунги кунгача, деди жумҳурият молия министрлиги раҳбарларидан бири, сиёсий партиялар давлатдан 200 миллион форинт олдилар.

Сафларида 20 минг кишидан ортиқ аъзоси бўлган энг кўп сонли партиялар 15 миллион форинтдан олишди. Венгрия социалистик партияси, Венгрия демократик анжумани, Венгрия социалистик ишчи партияси шулар жумласига киради. Мустақил социал-демократик партия, Венгрия кўкатпарварлар партияси, Венгрия октябрь партияси сингари кам сонли партиялар камроқ миқдорда — 2 миллион форинтдан олдилар.

Қолган 500 миллион форинт партиялар тўғрисидаги қонунга мувофиқ мамлакат давлат кенгашига сайлов ўтказилганидан сўнг сиёсий ташкилотлар ўртасида тақсимланади.

ОТТАВА. Варшава шартномаси ташкилотида қатнашувчи мамлакатлар «Очиқ осмон» мавзуида бу ерда ўтаётган анжуманда ўзларининг шу муаммога доир биргаликдаги нуқтаи назарларини баён этдилар. Икки иттифоқ — Варшава шартномаси ташкилоти ва Шимолий Атлантика уюшмасига кирувчи барча давлатлар қатнашаётган анжуманда бир-бирларининг осмони остида ҳарбий фаолиятни кузатиш мақсадида қуролланмаган самолётларнинг учишига имкон бериши мумкин бўлган аҳдлашувга эришиш лозим. Варшава шартномаси ташкилоти мамлакатлари кузатиш мақсадидаги учишлар жуда кам даражада чекланиши керак, деган фикрда турибдилар.

ПАРИЖ. «Француз коммунистлари Шарқий Европада рўй бераётган воқеаларни диққат билан кузатишмоқда. Улар бу воқеаларни ўз концепциясига асосланиб баҳоламоқдалар. Социализм инсон томонидан ва инсон учун бунёд этиладиган жамиятдир, озодлик ва демократия бу жамиятни барпо этиш воситаси ва пировард мақсадидир. СССРда эълон қилинган қайта қуришнинг мақсади ҳам худди шундай. Биз қайта қуриш муваффақиятли тугаши учун ҳаракат қилаётган Михаил Горбачев ва совет коммунистлари билан тўла-тўкис бирдаммиз. Биз ўз ижтимоий тузуми муваффақиятларини сақлаб қолиб уни чуқур демократиялаш учун курашаётган Шарқий Европа мамлакатларидаги коммунистлар ҳамда бошқа барча кучлар билан бирдаммиз. Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бу ерда ниҳоясига етган пленуми қатнашчилари бир овоздан маъқуллаган ҳужжатда шундай дейилади. Пленум халқаро вазиятни ҳамда ички сиёсий аҳволни таҳлил қилишга бағишланган эди.

ПАРИЖ. Президент Франсуа Миттеран билан бош министр Мишель Рокар бу ерга қисқа муддатли ташриф буюрган Туркия президенти Турғут Озал билан музокаралар ўтказди. Европанинг шарқий қисмидаги ўзгаришлар асносида Европадаги аҳвол, Европа ҳамжамиятининг Туркия билан ўзаро муносабатлари, Франция-Туркия муносабатлари музокараларнинг асосий мавзулари бўлди.

Ҳозир Европада рўй бераётган воқеаларни, жумладан Германияни бирлаштириш истиқболларини муҳокама қилиш чоғида Т. Озал Европа қитъасида биринчи жаҳон уруши арафасида мавжуд бўлган вазиятга ўхшаш беқарор вазият яна пайдо бўлиши мумкинлигидан хавотирланаётганини айтди. Бу қайтарилмаслиги учун ҳамма ишларни қилиш керак, деди ўз навбатида Ф. Миттеран.

Шарқий Европа мамлакатларидаги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар таҳлили Т. Озалнинг М. Рокар билан учрашуви чоғида етакчи мавзу бўлди.

ЛОНДОН. Бугун Мадридда икки мамлакат ўртасидаги дипломатия муносабатларини тиклашга тааллуқли масалалар юзасидан Англия-Аргентина музокаралари бошланади.

Буюк Британия билан Аргентина ўртасида 1982 йилгача жуда қалин муносабатлар мавжуд эди. Бу муносабатлар Фолкленд (Мальвин) ороллари сабабли келиб чиққан қуролли можаро туфайли бузилганди. Дипломатик доираларнинг маълумотларига қараганда, деб таъкидлайди Рейтер ахборот агентлиги, Буюк Британия Жанубий Атлантикада жойлашган Мальвин ороллари теварагида 150 миляли мутлақо ҳарбий зонани сақлаб туриши бугунги кунгача можарони тўла ҳал этишга имкон бермаяпти.

Нью-Йорк. Бу ерда БМТ хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари — беш мамлакат вакилларининг Камбоджа муаммосини бартараф этиш масаласи юзасидан иккинчи учрашуви якунларига доир баёноти матбуот учун эълон қилинди. Учрашув Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида ўтди ва январь ойи ўрталарида Парижда дастлабки шундай учрашувда бошланган маслаҳатлашувларнинг давоми бўлди.

Беш мамлакат вакиллари Парижда эришилган аҳдлашувлар принципларини ривожлантира бориб, тинч жараённинг амалий жиҳатларини муҳокама қилдилар. БМТ ушбу жараён доирасида эркин ва адолатли сайловларга ўтишда янада муҳим аҳамият касб этиши керак, дейилади ҳужжатда. Аҳволни сиёсий жиҳатдан кенг кўламда бартараф этишга эришиш мунозараларнинг муштарак мақсади бўлди. Бу эса тинчликни тезроқ тиклашга, ўтиш даврида ва ўтиш даври тугаганидан сўнг сайлов ўтказиш ҳамда Камбоджа бирлигини сақлаш учун муқим сиёсий иқлим яратишга олиб келиши мумкин бўлур эди.

(ТАСС).

ЖАНГЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Бухоро вилояти жамоатчилигининг вакиллари ўзбекистонлик йигитлар хизмат қилаётган Қизил Байроқ орденли Карпатолди ҳарбий округида бўлдилар. Юртдошлар билан самимий учрашувлар бўлди. Жангчилар хизматни қандай ўтаётганликлари, турли жумҳуриятлардан келган полкдошлари билан дўстликлари ҳақида гапириб беришди. Учрашувларда ҳаваскор шоирларнинг шеърлари янгради, рубоб, чанг, доира сингари миллий асбобларда куйлар ижро этилди.

— Ўзбекистонлик йигитлар меҳнатсеварлиги, топширилган ишни ўз вақтида бажонидил бажаришлари, муомалалари билан ажралиб туришади, — деди учрашувлардан бирида офицер С. И. Арсентьев. — Уларга ҳеч қандай эътирозимиз йўқ — жуда яхши хизмат қилишмоқда. Фақат мактабларда рус тилини унча яхши ўргатиша олмас экан, бу камчиликни ўзимиз бартараф этишимизга тўғри келяпти.

Сафар чоғида Карпатолди ҳарбий округи билан Бухоро вилояти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилди. Унда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни ташкил этишда ўзаро ёрдам бериш, муттасил равишда делегациялар айирбошлаш, бадиий ҳаваскорлик коллективларининг биргаликдаги концертларини ўтказиш, бошқа тадбирлар назарда тутилган.

(ЎзТАГ).

Долзарб мавзу

АСАБЛАР НЕГА ЧАТОҚ?

Ечими йўқдек кўринаётган муаммоларни ҳал этиш мумкинми? «Мумкин», дейди Жумҳурият клиник руҳий касалликлар шифохонасининг бош врачи Абдурашид АБДАЛИЕВ.

— Абдурашид Муҳсимович, кейинги йилларда ичкиликбозликнинг камаяётганлиги, лекин бунга тескари ўлароқ, асаб касалликларининг кўпаяётганлиги тўғрисида ташвиш билан гапирилмоқда. Бу ҳақда қандай фикр билдира оласиз?

— Заҳарли кимёвий дорилар биринчи навбатда инсон миясига таъсир этади. Тупроғимиз ҳам, ҳавомиз ҳам заҳарланган. Ҳатто ичимлик сувларимиз истеъмолга яроқсиз. Шундай тиғиз ҳолатда асаб касалликлари кўпаймай, нима қилсин?! Бунинг устига руҳий касалларга мурувват кам. Биргина Тошкент вилоятининг ўзида 25 мингга яқин киши ишдан-ишга кўчиб юрибди. Бунинг турган битгани зиён эмасми?

— Тошкент вилоятида аҳвол шу даражада бўлса, бошқа жойларда қандай экан?

— Жумҳуриятимиз бўйича тўртта типовой руҳий касалликлар шифохонаси бор. Қолганлари хароба биноларда жойлашган десам, ишонаверинг. Психотерапия бўйича беморлар учун 36 минг жой ажратилиши керак. Лекин бу рақам ҳалигача 11 мингинчи нуқтада муқим турибди.

— Ўзингиз меҳнат қилаётган шифохонадаги шарт-шароитлар сизни қониқтирадими?

— Йўқ, албатта. Шифохона 1921 йилда очилган. Ўша йилларда қурилган бинолар ҳозир ҳам бор. Уларда касалларни муолажа қилиш учун ҳатто оддий шарт-шароитлар ҳам етарли эмас. 1987 йили шифохона қурилиш ишлари учун бир миллион 650 минг сўмлик маблағ ажратилган эди. Лекин «Госагропромстрой» ташкилоти ишни пайсалга солиб келаяпти. Бош суқмаган эшигимиз қолмади, ҳисоб.

— Қурилиш нима учун чўзилаётган экан?

— Материал етишмас эмиш. Шифохонамизга тушган беморнинг қариндош-уруғлари, биринчи навбатда, яхши даволаб беришимизни эмас, тузукроқ хонага жойлаштиришимизни талаб қилишади. Бундай ҳолатда кўнгилдагидай ишлаш мумкинми?

— Шифокорлар ва ишчи-хизматчиларнинг шарт-шароитлари-чи?

— Шифохонамизда 1300 киши ишлайди. Кўпларнинг уй-жойлари йўқ. Яқин йиллар ичида битта-иккита кишига уй берилди, холос. Бу масалани ҳал этишнинг йўлларини қидираяпмиз. Масалан, ёрдамчи хўжалигимизга қарашли майдоннинг икки гектарини томорқа учун ажратдик. Илгари ишчи-хизматчиларимиз 120 сўмдан маош олишарди. Шунинг учун ҳам биз пудрат асосида ишлашни ташкил этдик. Натижада уларнинг ойликлари 200-250 сўмга етди. Шу ўринда мен бир нарсани таъкидлаб ўтишим керак. Кўпинча касалига эмас, меҳнат стажига қараб нафақа тўлашади. Мабодо, бирор киши 25 ёшида ногирон бўлиб қолди, дейлик. Шунда ҳам унинг меҳнат стажини инобатга олиш керакми? Ёки ногирон эр-хотинларни олинг. Улар нари борса 100 сўм билан кун кечиришаяпти. Бола-чақа, рўзғор деган гаплар ҳам бор-ку. Пулга муҳтож бўлиб, ёмон йўлга кириб кетаётган ёшларнинг кўпчилиги ана шундай чор-ночор ҳаёт кечираётган кишиларнинг фарзандларидир. Ўзим гувоҳ бўлган яна битта воқеа ҳақида гапирай. Ажойиб ёшларимиз шаънига доғ тушираётганлардан норозиман. Ота-она не-не умидлар билан фарзанд ўстиради, вояга етказади, тарбиялайди. Лекин ноқобил ўғил-чи? Икки-уч кун уйга олиб бориб, парвариш қилиш ўрнига, ота-онамдан воз кечдим, уни қаёққа юборсанглар розиман, дея тилхат беришдан ор қилмайдиганлари ҳам учраб турибди.

— Ҳозирги жуда кўп кишиларда ишончсизлик кучли. Шундай бир вазиятда олдимизда кўндаланг турган қатор муаммоларни ҳал этиш мумкинми?

— Жисмонан ва маънавий соғ кишиларгина ҳар қандай қийинчиликларни енга олиш ва ҳал эта билиш қудратига эгадирлар. Шундай экан, энг авваламбор, кишиларимизнинг соғлиги тўғрисида қайғуриш барчамизнинг вазифамиздир. Бунинг учун она-еримизни соғломлаштиришимиз, экологиямизни меъёрига келтириш учун ҳамжиҳатлик билан курашмоғимиз даркор.

Тўлқин ҲАИИТ суҳбатлашди.

Халқаро учрашув

ПАРИЖ, (ТАСС). Космик фазони ўзлаштириш жаҳоннинг барча мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб қолиши лозим, деб таъкидлади Кальвадос департаментининг Довиль шаҳрида Франция илмий тадқиқотлар ва технология министри Юбер Кюрьен. У жаҳоннинг 39 мамлакатидан келган космик тадқиқотлар бўйича мутахассисларнинг Франциянинг Атлантика соҳилидаги бу шаҳарчада очилган учрашувида кириш нутқи сўзлади. Учрашув Франция космик тадқиқотлар миллий марказининг ташаббуси ҳамда Америка аэронавтика ва космик фазони тадқиқ этиш миллий бошқармаси билан Европа космик агентлиги кўмагида уюштирилди.

Учрашув «Космосни тадқиқ этиш тажрибаси ва уни амалда қўллаш» шиори остида ўтмоқда. Учрашув иштирокчиларининг асосий диққат-эътиборини космик фазони тадқиқ этиш натижаларидан иқтисодиётда амалда фойдаланиш муаммолари жалб қилмоқда.

Шароит яхшиланмоқда


УЛАН-БАТОР. (ТАСС мухбири Д. Санжиев). Монголия пойтахтининг янги, ўн олтинчи микрорайони ёшлар уй-жой кооперативлари қад кўтарадиган дастлабки жой бўлади. МХР Министрлар Совети шундай қарор қабул қилди: Халқ депутатлари аймоқ ва шаҳар ҳураллари ижроия бошқармаларига шундай кооперативларни ташкил қилишда маҳаллий ревсомол ташкилотларига ҳар томонлама ёрдам бериш топширилди.

Монголия ҳукумати ревсомол ва ёшлар ташкилотларининг мустақиллиги ва ташаббускорлигини ривожлантириш учун шарт-шароит яратишга интилиб, ревсомол Марказий Комитетига ўз валюта даромадларига ўзи эгалик қилиш ҳуқуқини бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу пуллар пойтахтдаги «Найрамдал» болалар ва ўсмирлар боғи моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ва шу асосда ундаги маданий-тарбиявий ишларни яхшилашга сарфланади. Келгуси йилдан бошлаб эса Монголия ревсомолининг барча ташкилотлари тўла хўжалик ҳисобида ишлай бошлайди.

НЕЛЬСОН МАНДЕЛАНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ЛУСАКА, (ТАСС). Йоханнесбург яқинидаги қора танлилар яшайдиган Соуэто шаҳрида бўлиб ўтган митингда Африка миллий конгрессининг раҳбари Нельсон Мандела сўзга чиқиб, бундай деди: ирқчиликка қарши кучлар бирлиги ва осойишта оммавий ҳаракатлар — Жанубий Африкада апартеидни тугатиш учун курашда ғалаба гаровидир. Юз мингдан ортиқ киши тўпланган стадион Африка миллий конгрессининг тилларанг, яшил ва қора рангли гуллари билан товланиб турди.

Апартеид бор экан, Африка миллий конгресси қуролли курашни давом эттираверади, деди қарийб 28 йиллик тутқинликдан якшанба куни озод бўлган Н. Мандела. Жанубий Африкаликларнинг озодлик йўлидаги ҳаракати муқаррардир. Мен мустақил ирқларга ажратилмайдиган демократик Жанубий Африка учун курашчиларни, энг аввало Африка миллий конгресси билан умумий мақсадлар йўлида чамбарчас боғланган Жанубий Африка Компартиясини табриклайман, деб таъкидлади у.



Тоғлар билан ҳазиллашиб бўлмайди...

Ҳа, швейцарияликлар бу ҳақиқатни яхши биладилар. Шунинг учун ҳам қиш бошланиши билан Швейцария Альп клуби тоғ шароитларида қутқарув ишларини олиб бориш юзасидан йўриқ берувчи туркумли машғулотларни бошлаб юборади. Бошига кулфат тушган кишиларга зарур бўлган кўмак кўрсатадилар.

СУРАТДА: мураккаб тоғ шароитларида кишиларга вертолётда мана шундай кўмак кўрсатиш мумкин...

КЕЙСТОН-ТАСС сурати.

«Курочкин иши»


ЧИТА. «Комсомолец Забайкалья» газетасининг муҳаррири В. Курочкининг ошкоралик, демократик руҳидаги чиқишлари баъзи бир комсомол бюрократларга ёқмади ва улар муҳаррирни ишдан олиб ташлаш пайига тушдилар. Шундай қилиб вилоят комсомол қўмитасининг бюросида уни «вазифасидан озод қилишди». Бироқ бу ҳақда эшитган жамоатчилик жумбушга келди. Ўша куннинг ўзидаёқ бюро яна икки марта йиғилишга мажбур бўлди ва В. Курочкинни вақтинчалик вазифасига тиклади. Бироқ бир шарт билан: Чита шаҳар комсомол қўмитасининг биринчи котиби П. Попков газетада чиқаётган барча мақолаларни ўз назорати остига олади ва босиш керак, керак эмаслигини ўзи ҳал қилади.


Бироқ кўп ўтмай, вилоят комсомолларининг конференцияси бўлиб ўтди. Унда вилоят қўмитаси таркиби бутунлай янгиланди. Комсомоллар бир овоздан яна Курочкинни муҳаррир қилиб сайлашди. Ахир унинг даврида газета тиражи бир ярим баравар ошди, кучли, дадил мақолалар босилди.

Ҳозир муҳаррир В. Курочкин РСФСР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган.

СУРАТЛАРДА: В. Курочкин; мақоладаги икки имзо — бири шаҳар комсомол қўмитаси котиби Поповга тегишли, иккинчиси муҳарририники.

В. САЯПИН суратлари. (ТАСС).





ИККИ ЙЎЛДОШ УЧИРИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Чоршанба куни АҚШ Канаверал бурунидаги (Флорида штати) космодромда «Самовий уруш» программасига доир экспериментларга мўлжалланган иккита йўлдошни учирди. Мазкур йўлдошлар «Дельта-2» учирувчи ракета ёрдамида ер атрофидаги белгиланган орбитага чиқарилди.

Стратегик мудофаа ташаббусини амалга ошириш ташкилоти бўлимларидан бирининг бошлиғи полковник Т. Мейернинг айтишича, «бўлажак экспериментлар стартегик мудофаа ташаббуси программаси юзасидан ўтказилган барча экспериментлар ичида энг муҳими бўлиб», «ерда лазерлар яратиш программасини амалга оширишнинг бениҳоя муҳим элементидир».

Пентагон маълумотларига кўра, режалаштирилаётган экспериментлар энг аввало лазер нури ёрдамида қитъалараро баллистик ракеталарни уриб тушириш имконини текширишга мўлжалланган.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

РАДИОТЎЛҚИН УЗАТУВЧИ АСАЛАРИЛАР

● АФРИКАнинг ёввойи асаларилари Жанубий Америкага офат келтирди. Улар ўта ваҳший бўлиб, тўдаси билан ҳужум уюштиришади. Уларнинг ҳужумидан одамлар нобуд бўлишмоқда.

Масъулиятсизлик туфайли Бразилияда асалариларни эркинликка чиқариб юборишганди. Натижада улар шимол томонга аста кўчишмоқда, ҳатто Мексика ва АҚШнинг жанубий чегараларини ҳам «ишғол» қилишган.

Одамларни улардан ҳимоя қилишнинг ҳар қандай усули ҳозирча натижа бермаяпти. Мутахассислар яқинда яна бир янги усулни тавсия этишди: тутқиндаги ёввойи асалариларга радиотўлқин узатувчи митти қурилма ўрнатилади (қурилманинг оғирлиги 0,035 грамм) ва эркинликка қўйиб юборилади. Қарабсизки, улар тезда ўз тўдасини топади. Ўрнатилган қурилма эса тўда қаердалиги ҳақида «ахборот» бериб туради. Пайтдан фойдаланиб ваҳший асаларилар тўдасини йўқ қилишга киришилади, деб хабар беради Польшада чиқадиган «Пломик» журнали.

«АҚЛЛИ» СОАТ

● ЯПОНИЯНИНГ «Сэйко» фирмаси сув остида сузувчилар учун компьютерли соат ишлаб чиқарди. Бу хронометр ғаввосининг қанча масофа сузганлиги ва қанча чуқурликда эканлиги ҳақида маълумот беради. Бундан ташқари, агар хронометр «хотираси»га баллонда қанча сиғим кислород борлиги тўғрисидаги маълумот ҳам «жойланса», кислороднинг қанча вақтга етиши ва сув юзига қачон чиқиши тўғрисида сузувчини огоҳлантиради.

ДУНЁДА УЧИНЧИ

● 1991 ЙИЛДА Арабистон ярим оролида энг баланд телеминора ишга туширилади. Минора Қувайт шаҳрида жойлашган бўлиб, у баландлиги жиҳатидан дунёда учинчи ўринда туради, яъни 372 метр.

Телеминоранинг 150 метр баландлигида ресторан, кафе ва бошқа сайргоҳ «майдон»лар ташкил этилади, дейилади Чехословакиянинг «Недельна правда» газетасида.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ



Ва ниҳоят Қашқадарё вилоятининг Косон ноҳиясидаги Ворошилов номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган мактаб янги ўқув биносига кўчиб ўтди. Йиллар мобайнида орзу қилинган иш амалга ошди. Жамоа хўжалиги раҳбарларининг ташаббускорлиги, ота-оналарнинг елиб-югуриши мевасидир бу. Аввалари мактаб ўқувчилари мослаштирилган бинода таълим олишарди. Энди эса кенг ва ёруғ хоналар, замонавий фан кабинетлари, спорт зали болалар ихтиёрида. Ўқувчилар фан сирларини эгаллаш билан бирга ёғоч ўймакорлиги, бичиш-тикиш, токарлик мутахассисликларини ҳам эгалламоқдалар.

СУРАТДА: ижтимоий меҳнат дарсида; 9-синф ўқувчилари Ғайрат Холмуродов (чапда) ва Турсун Камолов ёғоч ўймакорлиги билан машғул.

Суратчи: Ш. ШАРОПОВ. (ЎзТАГ).

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

«ЎЗГА» САЙЁРАДА ИККИ СОАТ

ЁҲУД ҲАСАН ДЕГАН ЙИГИТНИНГ БОШИДАН КЕЧИРГАН ҒАРОЙИБ САРГУЗАШТЛАРИ

Ҳаёт турфа ажойибот ва ғаройиботларга бой. Табиатнинг ўзидагина инсон тафаккури сиғдира олмаган қанчадан-қанча сир-синоатлар бисёр. Энди эса қандайдир учар ликопчалар, ёп-ёруғ шарлар, тўртбурчак ва уч бурчак темир сандиқлар, дам-бадам ерга тушиб, суҳбатлашаётган одамсифат, кўриниши анчайин беўхшов маҳлуқлар ҳақидаги гап-сўзлар кўпайиб кетди. Оммавий ахборот воситалари булар ҳақида тинмай маълумот бермоқда. Бир ерда ҳақиқат айтилса, иккинчи жойда миш-мишлар авж олаяпти. Хуллас, бу ҳақда гап-сўзлар кўпайгандан кўпаймоқда.

1989 йил 31 октябрь куни содир бўлган воқеа эса ҳаммасидан ошиб тушди. Нишон ноҳиялараро савдо базасининг бухгалтери Ҳасан Саидовни «ўзга сайёраликлар» 2 соатга ўз маконларига «олиб кетиб қолишди».

— Эрталаб соат тўққизларга яқин бош бухгалтер Ҳусан Йўлдошевнинг иш кабинетидан чиқиб, ўзим ишлаётган хона — вагон уйга кирмоқчи эдим, шу пайт бирдан осмонда уч бурчакми-ей, тўрт бурчакми-ей, ялтироқ, ёғду сочган бир нарсани кўриб қолдим, — деб эслайди Ҳ. Саидов, — у жуда яқинда сайҳонликда эди. Кўзим қамашиб кетди. Ҳаво қуюқ булут бўлганлиги учун жуда ҳайрон қолдим. Қизиқишим ортди. Бу ялтироқ нима экан ёки кўзимга шундай кўриндими, билиш мақсадида янги қурилаётган идорамиз биноси томонга юриб, яқинроқ бордим. Идоранинг кун чиқиш бурчагида бир қорароқ рангли одам кўринди. Ҳайратим ошди. Ажаблана бошладим. Бироқ, қўрққаним ҳам, хаёлимдан ёмонроқ бирор ўй ўтказганим ҳам йўқ. Ғаройиботни билиш мақсадида идоранинг ўша бурчагига келдим. Келдим-у, даҳшатдан қотиб қолдим. Қай кўз билан кўрайки, мендан шундоққина икки метрлар чамаси нарида ўша қора одам турибди. Уни тасвирлашнинг ўзи қийин. Нима десам, одамсифат маймунларга ўхшаб кетади, кўзлари кичкина, бир-бирига жуда яқин. Маймуннинг кўзига ўхшайди, учбурчаксимон, юзлари, кўз атрофларини жун босгандек қоп-қора, қўллари узун, гавдаси ингичка, бўйи икки метрлар чамаси бор, кўкрагида эса алланималар бор. Гапирай, бақирай десам овозим чиқмади. У маҳлуқ менга қаради-ю, бошини сарак-сарак қилди. Ўткир нигоҳ билан тикилди. Жойимдан қимирлай ҳам олмадим. Мени эса унга тобора яқинлашгим келаверди. Сўнгра, менга қараб қўлини чўзди ва билагимдан ушлади. Ушланган жой исигандай бўлди. Шу пайт қандайдир магнитга ўхшаш куч мени у томонга тортаётганлигини сезиб қолдим. Атроф бирдан қоронғулашди. Ақлимни у олиб қўйгандек бўлди. Фикрлай олмай қолдим.

Кейин нималар бўлди, рости, билмайман. Ўзимга келиб, атрофга қарасам, биёбондек саҳрода турибман. Атроф ранги шаффоф, на кеча, на кундуз. Фақат, мендан сал нарида Миср эҳромларидек 3-4 та йирик пирамидалар бор, холос. Қум тепаликлари узоқдан кўзга ташланади. Ҳаммаёқ қум. Қумлари ҳам ердаги қумларга сира ўхшамайди. Тим сариқ. Одатда қумлар қаттиқ, донадор бўлади. Бу қумлар ниҳоятда юмшоқ, худди кулдек. Энди хушим роса ўзимга келди чамаси, қўрққанлигимни сездим ва бақира бошладим. Овозим чиқдими, чиқмадими, ноаниқ. Қаршимда ҳалиги одамсифат менга тик қараб турибди. Боқишлари қўрқинчли. Ўзимча, булар мени йўқ қилиб юбормоқчи, деб ўйладим ва яна бақира бошладим. Лекин қанчалик қичқирмай, овозим чиқмаётгандек туюлди. Ҳалиги маҳлуқ эса пирамидаларнинг орқасига ўтди-ю, ичига кириб кетди, чамамда кўздан ғойиб бўлди. Мен қўрқув биланми ёки қандайдир бир магнитга ўхшаш куч тортдими, ўша пирамидаларнинг олдига бориб қолибман. Бўшлиқда юргандек бўлдим. Аммо, нафасим қисилгани йўқ. Пирамидаларни ушласам, ажабо, улар ҳам пахтадек юмшоққина.

Орадан бир мунча вақт ўтди шекилли, пирамиданинг орқа томонидан ҳалиги одамсифат билан бир қиз чиқиб келишди. Мен уларга қараганча қотиб қолдим. Ҳаракатларим сусайди. Қандайдир куч мени яна улар томонга тортгандек бўлди. Қизнинг қизил устбошини, узун сочини, бўртиб турган кўкракларини кўрдим. Аммо, юз тузилишини аниқ-тиниқ тасаввур эта олмайман. Мени олиб кетган киши яна ўткир нигоҳ билан тикилди-ю, бошини чайқади. Миям ишлаб кетди шекилли, булар мени бир ёқлик қилишмоқчи, яқинлашса ураман деб шайлана бошладим. Бироқ, на чора, мен ҳаракат қилишга улгурмай, икки кишининг икки қўли икки билагимдан, олдин ушланган жойдан ушлади. Яна ушланган жойда иссиқ тафти сезилди. Атрофга буралиб ҳам қарай олмадим. Худди сеҳрлаб ташлангандек, бўйним, бошим қотиб қолганди. Яна атроф қоронғулашди.

Бирдан чўчиб уйқуси бузилган кишидек кўзларим ярқ этиб очилиб кетди. Бошқача бир нафас туйдим. Атрофга қарасам, ҳалиги одамлар, темир қум тепаликлари, пирамидалар йўқ. Идорамизга кирадиган катта темир дарвозанинг олди томонига, икки қўлим қандай букилган бўлса, шу ҳолатда, машриқ томонга тикилиб турибман. Хаёлимни жойимга олдим, одамлар кўрса нима дейди деб ўйладим-у, қўлларимни туширдим. Дақиқа ўтмасдан ўз-ўзимдан қалтирай бошладим. 10 метрлар бошим айланиб, маст одамдек гандираклаб бордим.

Хайрият, ҳеч ким кузатмаётган экан. Фикрларим тиниқлашгач, ниҳоятда севиниб кетдим. Тез-тез идора томон борар эканман, кўзларимдан қувонч ёшлари қуйилиб келаверди. Худога шукрки, ерга қайтдим, деб ушбу сўзни такрор-такрор айтардим. Дилимдан бўлган ғаройиб воқеани ҳеч кимга айтмай, яна бирор-бир касофат рўй бермасин, ана шуларни ўтказдим. Ўзимни касал одамдек лоҳас сездим. Идорага келиб, вақтни билсам, ўн бирдан ўн беш минут ўтган экан. Демак, икки соатдан зиёдроқ «самовий» кишилар, ўзга сайёраликлар ҳузурида бўлибман. Бўлган воқеани ҳеч ким сезмадимикин деб, кулимсираган ҳолда бош бухгалтеримиз Ҳусан аканинг олдига кирдим. У менга «ҳа, тинчликми, нимага куласан», дедилар. Мен эса, таваккал қилиб, бошимдан кечирган саргузаштларимни айтиб бердим. Ҳусан ака ишонмасдан кулди...

Ҳасан билан анча суҳбатлашдик. Бир қанча саволлар бердик. Бор гапни қайта-қайта сўрадик, ҳатто, ёздириб олдик.

— Ўзга сайёрадан «тушгач» тунда қандай ухладингиз?

— Ёмон, жуда ёмон. Лекин, уйдагиларга билдирмадим. Икки марта босинқирадим. Кўзимни очсам, худди яна самога олиб кетадигандек туюлаверди. Сарғиш қум, қум тепаликлари, юмшоқ пирамида, одамсифат, маймунга ўхшаш қора маҳлуқ. Анча вақт кўз олдимда ана шу нарсалар чирпиракдек айланди.

Нишон Давлат-ширкат агросаноат бирлашмаси раисининг муовини Норменгли Юсупов билан воқеа содир бўлган жойга бордик. 2 та вагон уйча, 1 та янги қурилган идора биноси. Ҳасан ўша жойларни, қаерда кўзига учар ликопча кўринганлигини, қандай ялтироқ нур чиқарганини, қоп-қора одам уни ушлаган жойни, орадаги масофани, қайтиб ўзи тушган нуқтани кўрсатиб берди. Афсуски, қурилиш ишлари бўлаётганлиги сабабли, бульдозер билан ўша ерлар текислаб ташланган. На ликопчанинг, на ўша маҳлуқнинг изини аниқлаб бўлди.

Яна шуни таъкидлаш керакки, худди шу воқеа бўлиб ўтганидан сўнг, 6 ноябрь ва 11 ноябрь кунлари кечқурун, худди ўша воқеа содир бўлган жой яқинида нишонликлардан йигирма чоғли киши ёнар шар кўришган. Аммо, шар ерга тушмасдан, анча вақт осмонда учиб юрганда, сўнгра, кўздан ғойиб бўлган...

И. ҲИКМАТОВ,
Ж. ЯХШИБОЕВ,
Нишон ноҳиясидаги «Меҳнат байроғи» газетасининг ходимлари.

Янги шеърлар

НИДО

Афғон қирларида лолалар унди,
Йўқ! Улар болангнинг кўксидаги қон.
Балки гумбурлашлар, портлашлар тинди,
Охирги сўз қолди: «Кечир, онажон».

Кечиргил, ҳеч ўлгим йўқ эди менинг.
Дунёни кезганлар, безганлар қанча,
Ўлмасдан яшагим бор эди анча.
Жангда қон тўкиб қайтган дўстларим,

Ташвишлар орттирдим сизларга шунча...
Кечиринг, ҳеч ўлгим йўқ эди менинг.
Ечилмас муаммо йўқдир дунёда,
Оёқсиз дўстларим юрар пиёда...

Кўнгли ғаш ёдгорлик қўйилмади деб,
Наҳотки, инсондан темир зиёда?!
Кечиринг, ҳеч ўлгим йўқ эди менинг,
Йигирма ёшимда номим деворда,

Меҳримни қолдирдим севикли ёрда,
Розиман бахтли бўл, фақат унутма,
Ёд этиб қабримга келгил баҳорда.
Кечиргил, ҳеч ўлгим йўқ эди менинг.

Онам фарёд урар ер кўтаролмас,
Отам фиғонига осмон чидолмас.
Еримнинг соч юлиб, чинқиришидан
Тоғлар титрайди-да, бардош беролмас.

Кечиринг , ҳеч ўлгим йўқ эди менинг.
Тобутим темирдан чиқолмайман, оҳ,
Олам фарёдига чидолмайман, оҳ,

Фарзандлик бурчимни ўтолмайман, оҳ,
Отамни, онамни қучолмайман оҳ...
Кечиринг... ҳеч ўлгим йўқ эди менинг.

Фурқат ОРТИҚОВ,
байналмилал-жангчи «Қизил Юлдуз» ордени соҳиби.

«КАМАЛАК»

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

МАНЗАРА ЖОЗИБАСИ

Она юрт, унда яшовчи кишилар гўзаллиги — ўзбек мўйқалам устаси, СССР Рассомлар уюшмасининг аъзоси Дилёр Имомов ижодидаги асосий мавзудир. Тошкент кино уйида унинг турли йилларда яратган асарлари кўргазмаси очилди.

Д. Имомов жумҳурият рассомлик билим юртини ҳамда театр ва рассомлик санъати институтини битирган. Унинг дастлабки асарлари талабалик йилларидаёқ жумҳурият ва Бутуниттифоқ кўргазмаларида намойиш қилинган эди.

Мамлакатимизнинг турли гўшаларига қилинган саёҳатлар мусаввир ижоди кўламини кенгайтирди. Ялта ва Гурзуфнинг кўҳна жинкўчалари, Сибир дарёларининг беназир жозибаси, Каспий соҳиллари, хуллас, ҳар бир саёҳат манзаралар туркумини туҳфа этарди.

(ЎзТАГ).


Кроссворд-мақол

Мазкур кроссворд соат стрелкаси йўналишида ҳал этилади. 1. Иттифоқимиздаги ярим орол. 2. Осиё қитъасидаги мамлакат. 3. Европа давлатларидан бирининг пойтахти. 4. Данакли мева. 5. Сибирдаги шаҳар. 6. 12 ойдан бири. 7. Мевали дарахт. 8. Сайёра. 9. Шеърдаги мисра. 10. Ёзда, қишда бир хил кийимда (топишмоқ). 11. Ёввойи чўл ўсимлиги. 12. Франция шимолидаги шаҳар. 13. Шеърдаги термин. 14. Вақт бирлиги. 15. Уй ҳайвони. 16. Қозоғистон ССРдаги дарё. 17. Ҳамирли суюқ таом. 18. Дурадгорлик асбоби. 19. Ҳиндистондаги дарёлардан бири. 20. Африкадаги давлат. 21. Ғалла маҳсулоти. 22. Украин адиби, «Тоғ оралиқлари» романи муаллифи. 23. Гул. 24. Эрон пул бирлиги. 25. Тикувчилик анжоми. 26. Японийдаги кўл. 27. Йиртқич қуш. 28. Қандолатчилик маҳсулоти. 29. Кўмир тури. 30. Волга дарёси ирмоғи. 31. Ғалла тури. 32. Қайрағоч хили. 33. Ҳашарот. 34. Инглиз адибаси, Войнич романи. 35. Усимлик. 36. Француз ёзувчиси.

Энди кроссворд жавоб сўзларидан тўғри фойдаланиб қуйидаги цифрограммани еча оласизми? (Биринчи қатордаги рақам жавоб сўзи номерини, иккинчиси эса унинг ҳарфлар тартибини билдиради). Унда ўзбек халқ мақолларидан бири яширинган. Ўзбек совет адабиётида яратилган қайси асар шу мақол билан аталади ва унинг муаллифини биласизми?

Цифрограмма: 6/1, 1/4, 6/3, 32/3, 4/2, 5/2, 27/2 —13/1, 14/3, 21/2, 20/1, 16/1, 22/1, 24/2, 33/1.

Тузувчи Анвар МИРЗАЕВ.



ПРЕССАВТОКЛУБ
ГАИ

ЖИДДИЙ НАЗОРАТ ЗАРУР

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш шу куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолди. Кўча ҳаракати қоидаларининг бузилиши, автомобилларнинг тўқнашувлари натижасида кўплаб кишилар ҳалок бўлишаётир. Жамиятимиз моддий ва маънавий зарар кўряпти.

Биргина Қашқадарё вилоятини олиб кўрайлик. Бу ерда ўтган йилнинг ўн бир ойида 1.003 та йўл транспорт ҳодисаси қайд этилиб, 205 киши ҳаётдан кўз юмди, 1.128 нафар одам жароҳатланди. Бу кўрсаткичларнинг ўтган йилга қараганда анча кўплиги яна ҳам ташвишлидир.

Фалокатларнинг сабабларидан бири — спиртли ичимлик «отиб олиб» йўлга чиқишдир. Маст ҳолда машина бошқараётганлар нафақат ўзларининг, балки бегуноҳ кишиларнинг ҳам ҳаётига зомин бўлаётганликларини ўйлашмаяпти. Тезликни ошириш, нотўғри қувиб ўтиш ҳам фожиаларга олиб келяпти.

СССР Министрлар Советининг «Хизматда ишлатиладиган автомобиллардан фойдаланишни тартибга солиш тўғриси»даги қарорида давлат енгил автомобиль транспортидан шахсий мақсадларда фойдаланиш каби кўпдан-кўп нуқсонлар мавжудлиги, бу эса аҳолининг ҳаққоний эътирозларига сабаб бўлаётгани алоҳида таъкидланган.

...Вилоят Давлат автомобиль инспекциясининг катта инспектори Марат Ўрмоновнинг ишораси билан бир машина йўл четида тўхтади. Маълум бўлишича, КФА 65—03 номерли «Газ-52» маркадаги машина 7-автобазага (директори Б. Элмуродов) қарашли. Ҳайдовчи Илҳом Чориев кузовда ҳеч қандай ҳужжатсиз пиёз ва битта қўйни олиб келаётган экан.

КФА-08-21 номерли «Зил-130» маркали 2528-автобазага қарашли машина ҳайдовчиси Тиркаш Ортиқов 40 идишдаги бўёқни беҳужжат олиб кетаётганида қўлга тушди. Шунингдек, 30-автобазага қарашли ҚФМ-17-76 номерли «ГАЗ-52» маркадаги автомашина ҳайдовчиси Алишер Ражабов 200 шиша идишда қиём олиб кетаётганлиги аниқланди.

Муборак шаҳридаги 15-автобаза ҳайдовчиси Самад Қурбонов эса КФА-75-74 номерли «КАВЗ-685» маркали автомобилда 95 километрли масофага мухандис-бошқарувчи Хурсанд Шукуровга «холис хизмат» кўрсатаётганда тўхтатилди.

Вилоят Давлат автомобиль инспекцияси ходими, милиция катта лейтенанти Х. Тўрақуловнинг айтишича, йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишида ташкилот, корхона, муассаса, жамоа ва давлат хўжаликлари раҳбарларининг ҳам айби катта. Улар ГАИ томонидан юборилган хабарларга ниҳоятда эътиборсизлик билан қараяптилар.

Қашқадарёда ўтказилган рейд давомида қатор камчиликлар ва қонунбузарликларнинг гувоҳи бўлдик. Бундан бегуноҳ одамлар, қолаверса, давлат зиён кўряпти. Раҳбар ходимлар, комсомол ташкилотлари ўз идораларига қарашли транспорт воситаларини жиддий назорат қилмоқлари зарур.

У. МУҲАМЕДОВ,
Ф. ИСАЕВ.

Маданият янгиликлари

КЎҲНА РАҚС

«ШАРҚ АЁЛИ» программаси асрдан асрга ўтиб келаётган ўзбек рақс санъати намуналарини намойиш этади. Бу программани Ўзбекистон Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети ҳузурида тузилган «Тановар» этнографик-фольклор ансамбли тайёрлаган. Ундаги 20 дан кўпроқ рақс раққослик санъати ривожининг босқичларинигина эмас, шу билан бирга миллий удумларнинг яхлит манзарасини ҳам акс эттиради. Ҳар бир рақс — турмушнинг турли томонлари — қизлик даври, ўсмирлик, тўй, байрамни ифодаловчи ўзига хос театрдир. Рақс ҳаракатлари билан ифодаланадиган бу ҳикояга ранг-баранг либослар янада файз беради.

— «Баҳор», «Шодлик», «Лазги» каби машҳур коллективларимиз репертуарида анчагина ажойиб рақслар бўлса-да, биз уларни такрорламасдан, ўз услубимизни топишга ҳаракат қилдик, — дейди ансамблнинг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери Юлдуз Исматова. — Бунинг учун архивларга мурожаат қилдик, кексалар кўҳна удум рақсларини ҳали ёдида сақлаётган олис қишлоқларга сафар қилдик. Уларнинг тасаввуридаги шу рақсларни биз томошабин эътиборига аслидагидек ҳавола этмоқчимиз.

САҲНАДА МУҲАББАТ МАВЗУСИ

ТОШКЕНТ «Ёш гвардия» театри репертуаридан янги спектакль — севишганлар тўғрисидаги ўткир сюжетли «Гўзаллар ва миршаблар» пьесаси ўрин олди. Турк ёзувчиси Турғут Узоқмоннинг асарини унинг ватандоши Южол Эртан саҳна тилига мослаган. Бу маданият арбоби, Анқара шаҳри бирлашган театрлари бош режиссёрининг номи театр оламида машҳур. У ГФРда таълим олганидан кейин шу мамлакатда, шунингдек, Югославия ва Кипрда спектакллар саҳналаштирган эди. Халқаро фестивалларда қатнашади, кўп вақтини гастрол сафарларида ўтказади. 1987 йилда Южол Эртаннинг театри Москвада томоша кўрсатган, турк режиссёри «Ёш гвардия» театрининг бош режиссёри Баҳодир Йўлдошев билан шу ерда танишган эди. Ўшандаёқ ижодий ҳамкорлик режалари келишиб олинганди.

Мана ниҳоят — премьера. Томошабинлар ҳажвга ва ғаройиб саргузаштларга бой янги спектаклни яхши қабул қилдилар. Гарчи ундаги воқеалар узоқ 1914 йилда юз берса-да, бизни шу кунларда ҳам қизиқтираётган кўпгина муаммолар акс эттирилган.

(ЎзТАГ мухбирлари).

ТВ

18 ФЕВРАЛЬ — ЯКШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий ахборот. 10.00 «Фильм билан хайрлаша туриб...». Телефильм. 10.30 ЎзТВ хазинасидан. Эмин Усмонов. «Қўриқхонада». Видеоспектакль. 11.45 «Саломат бўлинг!». 12.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор». 13.15 «Ҳамроз». Бадиий фильм (Ҳиндистон). 1-серия. 14.35 «Бугун — Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлари депутатлари сайлови куни». Тошкент шаҳри сайлов участкаларидан репортаж. 15.05 «Ҳамроз». Бадиий фильм. 2-серия. 16.20 «Амалий давра суҳбати». Жумҳуриятда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳақида. 17.20 Достонлардан қўшиқлар. 17.50 Реклама. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Болалар учун фильм. «Оламни кашф этиб». 18.40 «Болалигим — гулбаҳор». Болалар учун концерт. 19.10 «Бугун — Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлари депутатлари сайлови куни». Тошкент шаҳри сайлов участкаларидан репортаж. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Фильмотекамиз жавонларидан». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Мусиқа жавони». 21.30 Москва «7 кун». 22.30 Санъат усталари «ЎзССР халқ артисти Маҳмуджон Ғафуров». Мусиқий видеофильм премьераси. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

● МТ I

Якшанба кинозали

19.30 «Оддий хавфли саргузаштлар». Мультфильм; «Қумда волейбол». Ҳужжатли фильм. 20.15 «Квартира». Телевизион бадиий фильм («Тожикфильм»). Премьера. 21.30 «7 кун». 22.30 «Абадият ҳақида ўйлар». 22.45 «П. И. Чайковскийнинг барча симфониялари». 5-симфония. 23.45 Телевизион ҳужжатли фильмлар премьераси: «Кисловодск», «Руслар Баден-Баденда».

● МТ II

17.00 Н. Метнер. Квинтет. 17.30 Ҳужжатли фильмлар премьераси: «Байрамали» (Ашхобод). «Узоқ Шарқ» (45-сони). 17.55 «Она-замин ташвишида» туркумидан. Грозний шаҳрининг экологик вазияти ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 18.20 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Б. Феоктистов чалади (балалайка). 18.30 «Биз яшаётган олам». Режиссёр Д. Луньков фильмлари. «Шаҳарликлар — қишлоқликлар». Телефильм. 19.30 «Планета». Халқаро программа. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Р. Штраус. «Дон Кихот» фантастик вариациялари. 21.30 «7 кун» (сурдо таржимаси билан). 22.30 «Уйланган бўйдоқ». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 23.55 Хоккей. СССР чемпионати. «Химик» — «Динамо» (Рига). 3-давр. Воскресенскдан кўрсатилади.

«ЁШ ЛЕНИНЧИ»

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ

ТЕЛЕФОНЛАР: ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65

513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ
ИНДЕКС: 64607

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Р — 03114. Д. — 23132.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.